



11  
(1433)-son  
13-mart  
2020

# Xabar

ERURSEN SHOH, AGAR OGOHSEN SEN  
AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSEN SEN

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI AXBOROT TEXNOLOGIYALARI VA KOMMUNIKATSIYALARINI RIVOJLANTIRISH VAZIRLIGI NASHRI

1992-yil martdan chiqa boshlagan www.xabar.uz

## УШБУ СОҢДА:

**"РАҚАМЛИ ТОШКЕНТ"  
ТИЗИМИ ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ**  
Президент Шавкат Мирзиёев  
АКТ вазирлиги олдиға янги  
вазифаларни қўйди **2-бет**

**ЭЪТИРОФ**  
АКТ вазири юксак  
мукофотлар билан  
тақдирланганларни  
табриклади **4-бет**

**ВСТРЕЧА**  
С группой компаний  
"VEON" **6-бет**

**Йўл-йўлақай**  
Йўлингиз бехатар бўлсин!  
**8-бет**

**АХЛОҚ, АДАБ, ОДАМ**  
Ота, шарафнингизга  
эътибор беринг! **10-бет**

**АЛОҚА ОЛАМИДА**  
Энг яхши смартфонлар —  
фойдаланувчилар ўз  
телефонларига баҳо беришди  
**12-бет**

**МАСЛАҲАТ**  
WhatsApp: махфийлик ва  
хавфсизлигингиз учун беш  
қадам **16-бет**

## COVID-19 ПАНДЕМИЯГА АЙЛАНДИ

(ЖССТ бош директори  
11 март куни бунди  
расман эълон қилди)

Сўнгги маълумотлар  
(12.03.2020):  
Жаҳонда коронавирус  
билан касалланганлар сони  
— **126 136**  
Коронавирусдан вафот  
этганлар сони — **4 630**  
Коронавирусдан тузалиб  
кетганлар — **68 219**  
Касаллик тарқаган мамла-  
катлар — **114**



Манба: gisandata.maps.arcgis.com

## ПРЕЗИДЕНТДАН ОЛТИН СОАТ ОЛГАН ГУРЛАНЛИК АЛОҚАЧИ АЁЛ КИМ БИЛАН МУСОБАҚАЛАШМОҚДА?



Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг ишчи гуруҳи ҳудудлардаги ҳақиқий аҳволни ўрганиш, тизимдаги муаммоларни масалаларни жойида ҳал этиш, ходимлар билан мулоқот ўтказиш мақсадида анъанавий тарзда вилоятларга сафар уюштироқда. Вазирлик раҳбарияти айни вақтда Хоразм вилоятида бўлиб турибди.

## ҚУЛАЙЛИК

## МАРҒИЛОНЛИК ПОЧТАЧИЛАРГА СКУТЕРЛАР ТОПШИРИЛДИ

Бу баҳорий серёмғир кун кўплаб марғилонлик почтачилар қалбида ёқимли хотиралар қолдирган бўлиши табиий. Бойси шу кун синови кечган йиллардан кейин ёруғ кунлар келганидан бир далолат сифатида "Ўзбекистон почтаси" АЖ томонидан юборилган беш донга скутер хабарчиларга тантанали равишда топширилди. "Ўзбекистон почтаси" АЖ ишлаб чиқариш директори Отабой Раҳимов ўз табрик сўзида ушбу қулайлик хабарчиларнинг иш сифати ва самардорлигини оширишига ишонч билдирди ва жамоага даромадларни ошириб боришда улкан зафарлар тилади.

Хитойда ишлаб чиқарилган скутерлар синов-тажриба сифатида қўллаб кўриш учун тақдим этилмоқда, — деди биз билан суҳбатда Отабой Раҳимов. — Тажриба-синов хулосаларига кўра, аниқ бир скутер танлаб олинди ва республикадаги барча почта алоқаси боғламаларига етказиб берилди. Марғилон шаҳар почта алоқаси боғламаси танлаб олинганига сабаб эса шаҳарда аҳоли жуда зич жойлашган ва кўп қаватли тузаржий бинолари нисбатан камлиги ҳисобга олинди. Скутерлар шаҳарда эркин ҳаракат қилишлари билан аҳамиятлидир.

Янгиликдан бениҳоя мамнун хабарчилар билан ҳам суҳбатлашдик. Жумладан, Бахтиёржон Мусаев ўз кувончини шундай баён этди: "Ун беш йилдан буён ишлаб келаман. Асосий транспортим — велосипед эди. Скутер 100 км.га зарядланар экан. Ҳозир скутерларда бироз айланиб келдик. Чакки эмас. Ярим кун кетадиган ишларимни 2-2,5 соатда тугаллайдиган бўлсам ажаб эмас. Менимча, хизматларни тез ва соз бажарадиган бўламиз."



Тадбирда вазирлик ҳудудий бошқармаси бошлиғи Ҳалимжон Қурбанов, "Ўзбекистон почтаси" АЖ Фарғона филиали раҳбари Алижон Ибрагимов, Марғилон шаҳар ҳоқими Мирзоҳиджон Убайдуллаев, шаҳар ички ишлар бўлими бошлиғи Бахтиёржон Нажмиддиновлар қатнашдилар.

Ҳафиза САЛҲОВА

## 2 ХАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ



► **Ўзбекистон Республикаси** Вазирлар Маъкамасида 6 март куни мамлакатимизнинг Евроосиё иқтисодий иттифоқи (ЕОИИ) билан ҳамкорлиги юзасидан олиб борилган таҳлилий ва комплекс баҳолаш ишлари якуни бўйича тегишли хулоса ва таклифларни Олий Мажлис палаталарига киритиш масалалари муҳокамасига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Йиғилишда мазкур масала бўйича етакчи мустақил консалтинг компаниялари ва илмий-тадқиқот муассасаларининг изланишлари, хорижий ва маҳаллий мутахассислар томонидан билдирилган таклиф ва хулосалар кўриб чиқилди.

► Президент Шавкат Мирзиёев 9 март куни Россия Федерацияси ва Озарбайжон Республикаси билан икки томонлама инвестициявий ва савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг жорий ҳолати ва ривожланиш истиқболлари муҳокамасига бағишланган йиғилиш ўтказди. Унда ушбу мамлакатлар билан қўшма лойиҳаларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш ҳамда инвестиция, савдо ва транспорт-логистика соҳаларидаги икки томонлама ҳамкорликни мустаҳкамлаш бўйича янги таклифлар ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилди.


► **Ўзбекистон Республикаси** Президенти Шавкат Мирзиёев 9 март куни Туркиянинг етакчи инжиниринг ва қурилиш компанияси "Ренессанс Холдинг" президенти Эрман Илижак бошчилигидаги делегацияни қабул қилди. Учрашувда компания томонидан мамлакатимизда умумий қиймати 2 миллиард доллардан зиёд бўлган йirik инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ишларини жадаллаштириш масалалари муҳокама қилинди. Бундан ташқари, муҳим ижтимоий объекتلарни реконструкция қилишда, инжиниринг, лойиҳалаштириш ва қурилиш соҳаларида ҳамкорлик имкониятлари кўриб чиқилди.

► **Ўзбекистон Республикаси** Президенти Шавкат Мирзиёев 11 март куни мамлакатимизда жамоат саломатлигини таъминлаш тизими самарадорлигини ошириш муҳокамасига бағишланган йиғилиш ўтказди. Йиғилишда юртимиз соғлиқни сақлаш тизимида касалликларнинг олдини олишдан кўра уларни даволашга кўпроқ эътибор қаратиш зарурлиги ҳақида сўз борди. Хасталик омиллари таҳлил қилиниб, даволловчи шифокорларга профилактика йўналишида асосланган таъбир берадиган мутахассисларни тайёрлаш зарурлиги таъкидланди. Муҳокама қилинган масалалар бўйича мутасадди раҳбарлар ҳисобот берди, тегишли чора-тадбирлар белгилаб олинди.

► **Матбуотда Ўзбекистон Республикаси** Президенти имзоланган "8 март – Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан муқофотлаш тўғрисида"ги фармон ҳамда "Зулфия номидаги Давлат муқофоти билан тақдирлаш тўғрисида"ги, "Пахтачилик соҳасида бозор тамойилларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ва "Галла етиштириш, харид қилиш ва сотишга бозор тамойилларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорлар, "Олий даражали дўстлик" орденини таъсис этиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни эълон қилинди.

# “РАҚАМЛИ ТОШКЕНТ” ТИЗИМИ ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ

## Президент Шавкат Мирзиёев АКТ вазирлиги олдида янги вазифаларни қўйди



10 март куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев мамлакатимиз ҳаётининг қатор соҳаларида амалга оширилаётган лойиҳалар тақдироти билан танишди. Бу ҳақда давлат раҳбарининг матбуот хизмати хабар берди.

**“Дунё ялпи маҳсулотининг 15,5 фоизгача улушини рақамли иқтисодиёт ташкил этмоқда. Сўнги 15 йил ичида рақамли иқтисодиёт глобал ялпи маҳсулотга нисбатан 2,5 баробар тез ошган.”**

Замонавий ахборот технологиялари тараққийнинг муҳим шартларидан бири. Рақамли технологиялар давлат ва жамият бошқаруви, ижтимоий соҳада одамларга катта қулайликлар яратди, маҳсулот ва хизматлар сифатини оширади, ортқича харажатларни камайтириб, коррупцияга чек қўяди.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил январ ойида Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида иқтисодий-ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларига рақамли технологияларни кенг жорий этиш энг устувор вазифа сифатида белгиланган эди.

Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили учун қабул қилинган Давлат дастурида жорий йилда “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегиясини ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Дунё ялпи маҳсулотининг 15,5 фоизгача улушини рақамли иқтисодиёт ташкил этмоқда. Сўнги 15 йил ичида рақамли иқтисодиёт глобал ялпи маҳсулотга нисбатан 2,5 баробар тез ошган.

Мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот ҳажминини икки баробарга ошириш мақсад қилинган. Бунга эришишда рақамли иқтисодиёт механизмидан кенг фойдаланиш муҳим ўрин тутди.

Кейинги йилларда дунёда

“рақамли шаҳар” концепцияси оммалашмоқда. Шу тажрибадан келиб чиқиб, “Рақамли Тошкент” тизимини жорий этиш, уни икки йил давомида синовдан ўтказиб, бошқа ҳудудларга тайёр дастурий таъминотларни етказиб бериш режалаштирилмоқда.

Тақдимотда рақамли технологияларни жорий қилиш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумот берилди.

“Тиббиёт муассасалари паспорти”, “UzTrans”, туристлар ҳисобини юритиш бўйича “E-Mehmon” ва бошқа ахборот тизимлари юртимиз аҳолиси ҳамда меҳмонларига катта қулайлик яратди.

Президентимиз жорий йилда болалар боғчаси, масофавий таълим, шаҳар жамоат транспортлари учун ягона электрон чипта, қурилишни назорат қилиш, электрон тиббиёт картаси каби янги дастурий таъминотлар ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш бўйича топшириқлар берди.

Масалан, электрон тиббиёт картаси жорий этилса, шифокорларнинг қоғоз тўлдиришга кетадиган вақти анча қисқариб, аҳоли билан ишлаши учун кўпроқ имконият бўлади.

Шу мақсадда Тошкент шаҳридаги 15та ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт маркази, 11та кўп тармоқли тиббиёт маркази ҳамда 62та поли-

клиника “Ягона электрон тиббий карта” ва “Электрон поликлиника” ахборот тизимига улашиб, хусусий клиникалар билан интеграция қилинади. Бундай тизим бошқа соҳа ва тармоқларда ҳам татбиқ этилади.

Дастурий маҳсулотлар узлуксиз ва самарали ишлаши учун инфратузилма зарурлиги қайд этилар экан, барча давлат муассасаларини юқори тезликда маълумот узатиш тармоғига улаш, замонавий компьютер технологиялари билан таъминлаш вазифаси қўйилди.

Аҳоли, айниқса, ёшлар орасида рақамли кўникмаларни такомиллаштириш, “Бир миллион дастурчи” лойиҳасини амалга ошириш белгиланган.

Бугунги кунда Тошкент шаҳрида 600дан ортик соғлиқни сақлаш, мактабгача таълим муассасалари ва мактаблар юқори тезликдаги интернетга уланган. Аммо ушбу йўналишда қилинаётган ишлар ҳали ҳам етарли эмаслиги кўрсатиб ўтилди.

Телекоммуникация инфратузилмаси “рақамли шаҳар” концепциясининг асоси эканлигини ҳисобга олиб, икки йил мобайнида 1,5 мinggaдан зиёд ижтимоий объектларни юқори тезликдаги интернет билан таъминлаш бўйича топшириқ берилди.

Давлатимиз раҳбари Тошкент шаҳар ҳокимлиги таркибиде таълим, тиббиёт, уй-жой коммунал, транспорт, қурилиш, кадастр ва бошқа йўналишлар бўйича алоҳида лойиҳа офислари ташкил этиш зарурлигига эътибор қаратди. Бундай тузилмаларда дастурчилар ҳар бир соҳа мутахассислари билан биргаликда ўша соҳага мос дастурий таъминот яратди, уларни синовдан ўтказиб, ҳаётга татбиқ этади. Зарур ҳолларда бошқа соҳага тегишли дастур билан боғлиқлигини таъминлайди.

“Рақамли Тошкент” лойиҳасини молиялаштириш масалалари ҳам кўриб чиқилди. Бу жараёнда давлат-хусусий шериклик асосида бизнес доираларнинг фаол иштироки учун шароит яратиш кераклиги таъкидланди.

“Электрон ҳукумат” тизими орқали кўрсатилаётган давлат хизматлари сифатини ошириш, уларни электрон шаклга ўтказиш ишларини жадаллаштириш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш масалаларига ҳам тўхталиб ўтилди.

## ПРЕЗИДЕНТДАН ОЛТИН СОАТ ОЛГАН ГУРЛАНЛИК АЛОҚАЧИ АЁЛ КИМ БИЛАН МУСОБАҚАЛАШМОҚДА?

Ишчи гуруҳ дастлаб вилоятнинг Янги Бозор туманида Рақамли технологиялар ўқув маркази очилиши маросимида қатнашди. Шундан сўнг вилоятнинг Гурлан туманидаги соҳа корхона ва ташкилотлари фаолияти билан танишишди. Яқинда мазкур туманда ҳам Рақамли технологиялар ўқув маркази фойдаланишга топширилган эди. Ҳозир марказ ўқувчи ёшлар билан гавжум.



Олдинги таширф давомида вазирлик ишчи гуруҳи раҳбари Шуҳрат Содиқов тизимдаги корхоналарга аёл раҳбарларни кўпроқ жалб этиш зарурлигини тавсия қилганди. Ҳозирда вилоятнинг Гурлан телекоммуникациялар боғламасига Муқаддас Матмуродова ва туман почта алоқаси боғламасига Нигора Ҳайитметова, Урганч шаҳар почта алоқаси боғламасига Назокат Боймуротова раҳбарлик қилиб келмоқда.

Аёл кишининг назокати, аввалло, иш жойидаги тозаллиги покизаликка, ходимларнинг ўзини туттишию муомаласига ижобий таъсир ўтказди. Буни Гурлан алоқа корхоналари би-

носига кирибоқ сездик. Муқаддас Матмуродова раҳбарлигида корхона худудидаги иссиқхонага қайта ҳаёт бағишланган. У таъмирланиб, кўчатлар парваришига алоҳида эътибор қаратилган. Кичиккина жойдан яхшигина лимон ҳосили олинмоқда экан. Шунингдек, бу ерда товуқлар ҳам парваришланиши, ходимларнинг тушлиги учун тухумлар шу ернинг ўзидан чиқиши яна бир янгилик бўлди.

— Туманимизда 44та мактаб бор. Шундан 34тасига оптик толали кабеллар тортилган, яқин орада қолганларига ҳам оптик линияларни етказамиз. Тумандаги 28 мингта хонадонни тўлиқ рақамлаштиришни мақсад қилганмиз. Бугун ишчи гуруҳ аъзоларига шу мақсадимизни айтдим, албатта ёрдам беришларини билдиришди, — дейди Муқаддас Матмуродова.

Муқаддас Матмуродова ёлғизликда катта бўлган. “Олдимга яхши касб эгаси бўлишни мақсад қилиб кўйгандим, мана орзуларим ушалди, — суҳбатни давом этади у. — Бу йил жу-

даям унутилмас йил бўлди ҳаётимда, 8 март – Халқаро хотин-қизлар байрамида Президентимиздан олтин соатни совға сифатида олдим. Энди мендан бахтли аёл йўқ дунёда”.

Гурлан почта алоқаси боғламаси раҳбари Нигора Ҳайитметова бу ерга ишга келгунча туман ҳокими ўринбосари — хотин-қизлар кўмитаси раиси вазифасида меҳнат қилган. Бор эътиборни почта мавқеини тиклаш, аҳолига сифатли хизмат кўрсатиш, ходимлар учун етарли шарт-шароит ва уларнинг меҳнатига яраша иш ҳақи беришни мақсад қилганини айтади. Аини пайтда у юқори турувчи ташкилот раҳбарлари олди-га муаммоларни ҳал этиш учун асосли таклифлар бериб, иш ривожига эришиш учун изланмоқда экан.

Эътиборлиси, тумандаги икки корхона бир бинода фаолият кўрсатади, унинг раҳбарлари эса аёллар. Улар ҳаётда дўст, ҳамкасблар, аммо яхши натижага эришиш учун ўзаро мусобақалашмоқдалар. Омад тилаймиз!



1

## ЯНГИБОЗОРДА РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ЎҚУВ МАРКАЗИ ОЧИЛДИ УНДА ИНҲА ВА ТАТУ БИТИРУВЧИЛАРИ ДАРС БЕРИШМОҚДА



“

”

Президентимиз томонидан илгари сурилган бешта муҳим ташаббуснинг учинчиси доира-сида Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан мамлакатимизнинг барча худудларида аҳоли ва ёшлар учун Рақамли технологиялар ўқув марказлари ташкил этилмоқда. Бугунги кунга қадар республика бўйича 24та шундай марказ фаолият

кўрсатмоқда.

Навбатдаги ўқув маркази Хоразм вилоятининг Янгибозор туманида очилди. Маросимда АКТ вазири Шуҳрат Содиқов ва Янгибозор тумани ҳокими Ўктам Машарипов иштирок этди.

— Ўйлаيمизки, маҳаллий ҳокимликлар жорий йилда вилоятнинг барча худудларида Рақамли технологиялар ўқув марказларини ташкил этишда ҳар томонлама кўмақдош бўладилар, — деди Шуҳрат Содиқов. — Мазкур ўқув маркази туман ёшлари учун муносиб туҳфа бўлиб, келгусида ёшларнинг қадрдон масканларига айланади.

Ўқув марказини ташкил этиш учун “Ўзбектелеком” АК Хоразм филиалига қарашли бўш турган бино танлаб олинди, туман ҳокимлиги кўмагида тўлиқ таъмирдан чиқарилди ва замонавий компьютер технологиялари, робототехника жиҳозлари, киберспорт ўйинлари ускуналари ҳамда бошқа энг сўнгги русум-

даги техника воситалари билан жиҳозланди.

Келгусида туман ёшлари ушбу ўқув марказида ахборот технологиялари, дастурлаш соҳаларида инновацион ишланмалар яратиш, стартап лойиҳаларини ишлаб чиқиш билан шуғулланиладилар.

Ушбу ўқув марказининг ишга туширилиши туман ёшларининг мамлакатимиз бўйлаб амалга оширилаётган “Бир миллион ўзбек дастурчиси” лойиҳасида фаол ва самарали иштирок этишларига имконият яратилди. Келгусида марказда туманнинг 5000 нафардан ортиқ ёшларини қамраб олиш орқали уларни замонавий рақамли технологиялар соҳасида ўқитиш режалаштирилган.

Эътиборлиси, янги очилган марказда Тошкентдаги ИНҲА университети ва Тошкент ахборот технологиялари университети битирувчилари дарс беришмоқда.

## 4 АЁЛ ЖАМИЯТНИНГ КУЗАТУВЧИСИ ЭМАС, ИШТИРОКЧИСИ

## Вазир юксак мукофотлар билан тақдирланганларни табриклади

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "8 март – Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан мукофотлаш тўғрисида" ги фармони асосан, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ходими, Тошкент ахборот технологиялари университетининг "Аудиовизуал технологиялар" кафедраси профессори Саида Бекназарова ҳам "Шухрат" медали билан тақдирланди.

Шунингдек, Президент қарорига биноан Тошкент ахборот технологиялари университетининг Фаргона филиали 1-босқич магистранти Насиба Ҳамидова Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланди.

8 март — Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Шухрат Содиқов вазирликда юксак мукофотлар билан тақдирланган хотин-қизларимизни ушбу мукофотлар ва нафосат байрами билан муборакбод этди.

Таъкидланганидек, аёл оила ва жамиятнинг ҳақиқий таянчи. Оилада меҳрибон она, вафоли ёр бўлиш билан бирга, хизмат фаолиятида ҳам улкан марраларга эришадиган, жонқуяр, фидоий касбдош ҳамдир.

Йилдан-йилга хотин-қизларимизнинг жамият ва мамлакатимиз ривожига қўшаётган улкан ҳиссалари ортиб бормоқда.

Қайд этилишича, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш соҳасида бугунги кунда 27 мингдан ортиқ мутахассис меҳнат қилаётган бўлса, уларнинг 9 433 нафарини аёллар ташкил этиши, 363 нафар аёл раҳбарлик лавозимида фаолият юрғатаётгани юртимизда хотин-қизларнинг ҳар соҳада ўзларини кўрсатишлари учун етарли шароит яратилганидан далолатдир.

Олима аёл. Аслида у ҳам ҳамма қатори оддий бир инсон. Аммо унинг ўз устида ишлаши, изланиши, соҳияларни қадрлаш баробарида онг тафаккуридаги ўзига хос фикри ҳаётида янги, нурли саҳифалар очилишига сабаб бўлаверади. Зиёли оиланинг фарзанди Саида Бекназарова ҳам орзуларини, қалбидаги илм олиш иштиёқини аниқ мақсадга айлантирган ёш иқтидорли олималардан. У ҳозирда Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети "Аудиовизуал технологиялар" кафедраси доценти, техника фанлари доктори, профессор. Ширингина икки фарзанднинг меҳрибон онаси.

Саида БЕКНАЗАРОВА:  
ШУНЧАКИ ИЛМ  
ҚИЛИБ БЎЛМАЙДИ

Аёлнинг бир куни. Саиданинг кун тартибини фарзандлари, оила юмушлари, университетдаги фаолияти тонгда куёшни биринчилардан бўлиб қаршилаш, тунда ой билан сирлашишга тўлдирди. Бу нозик хилқат дея таъриф берилган аёлнинг ҳар амалида, мақсадида, улкан фидоийлик борлигидан далолатдир. Ёш олимадаги мустаҳкам ирода ва ўзига нисбатан ниҳоятда талабчанлик ота-онасининг йўл-йўриқ, маслаҳатлари, тўғрироғи, туғилиб ўстан оиласидаги тарбиядан шаклланган. "Оилада уч фарзандмиз, – дейди Саида. – Мен, синглим ва укам. Ота-онам онгимизга инсон ҳаётда ўз ўрнини топиши керак деган ақидани шунчалар чуқур сингдирганки, биз фарзандлар ҳар бир ишга режа билан ёндашишга ўрганганмиз. Бизда шунчаки илм қилиш ёки бўлмаса бирор касбни шунчаки танлаш деган фикрнинг ўзи бўлмаган. Ўйлаб қарасам, ёшлигимда орзу қилмаган эканман. Балки орзуларимни ўз олдимга аниқ мақсад қилиб қўйганман. Бу учун ота-онамдан ниҳоятда миннатдорман".

Фарзанд – навниҳол. Уни боғбон ота-она қанчалик тўғри парвариш қилса, у кенг қўлоқ ёйиб кўкка буй чўзади ва улкан дарахтга айланади. Кимдир унинг мевасидан тотиниб, яна бошқа биров унинг соясида енгил тин олиб боғбонга раҳмат айтади. Саида Бекназарова ҳам тигиз кун тартибидан ҳар доим фарзандларига вақт ажратишни одат қилган.

"Қизим Камила 4-синф ўқувчиси, – дейди олима. – У параллел равишда мусиқа мактабиди ҳам ўқийди. Бадий гимнастика, сузишга қизиқади ва тўғарақларга қатнайди. Тил ўрганишга иштиёқи жуда кучли. Рус, инглиз тилларида равон гаплашади. Унинг кун тартиби меникидан ҳам тизгиз (кулади). Ҳатто ўзи учун телеграмдан канал очиб, чизган расмларидан тортиб, ижро этган куйлари, сузиш машғулотларининг видеоларига жойлаб, қисқаси, фаолиятни ўзи ёритиб боради. Ўзига яраша ўқувчилари ҳам бор, албатта. Мен шу жажжигина қизалогимдан ҳам баъзан нималарнидир ўрганаман".

Аёл қачон ҳаётдан кўнгли тўлиб, юзига нимтабассум ярашиб сўзлайди? У жамиятга қачон

тўлақонли наф келтиради? Қачонки, унинг оиласида тинчлик-осойишталик, аҳиллик ва хотиржамлик ҳукм суриб, яқинлари унга елкадош бўлиб қўллаб-қувватлаганда. Саида Бекмирзаева ана шундай бахтиёр оиланинг бекаси, мамлакатимизнинг фаол аёллардан. Чунки у ҳаёт йўллари дуч келган қийинчиликларни енгиб ўтиб, муваффақиятга эришишида ота-онаси, қайнона-қайнотаси ва турмуш ўртоғининг доимий ғам-хўрлиги ва эътиборини ҳис этиб яшайди. Университетда эса ҳамкасблари билан фикрдош.

Ўзбекистон Республикаси хотин-қизлар қўмитаси томонидан юртимизда хотин-қизларнинг оила ва жамиятдаги ўрнини ошириш, мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига муносиб ҳисса қўшиб келадиган, ҳар томонлама намунали бўлган хотин-қизларни аниқлаш ва рағбатлантириш, уларнинг илғор ҳаёт ва иш тажрибасини оммалаштириш мақсадида анъанавий тарзда ўтказиб келинётган "Йил аёли — 2018" танловининг "Гран-при" соҳибаси.

Қаҳрамонимиз 14та дарслик, ўқув қўлланма, монографиялар муаллифи, 219та илмий иши хорижий давлатлар ва мамлакатимиз нуфузли журналларида chop этилган. Ахборотларни қайта ишлаш, узатиш жараёнларида бир вақтнинг ўзиде узлуksиз матн, аудио, видеоматериалларни йўқотишларсиз сифатли етказиб беришга қаратилган 21та ЭҶМ дастурий воситасига Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги томонидан берилган гувоҳномалар муаллифи, Нютон медали соҳибаси. 2018 йилдан ЮНЕСКО ташилотининг дастурий бўлиминисига қарашли, Жаҳон фанлар академияси (TWAS) қошидаги дунёни ривожлантиришга қаратилган "Фанда" ги аёллар халқаро ташкилоти (OWSD) аъзоси.

– Ахборот технологиялари ва медиакоммуникацияларини ривожлантиришда асосий эътибор алгоритм ва дастурларни яратишга қаратилади, – дейди физика-математика фанлари доктори, профессор Қаҳҳор Абдурахмонов. – Амалий масалаларни

ечишда аудио, видео технологияларидан фойдаланиш, уларнинг математик ва информацион моделларини тадқиқ қилиш, масалаларни ечиш усулларини қайта ишлаш, унга мос алгоритм ва дастурларни яратиш ҳамда олинган натижаларни текшириш ва таҳлил қилишда Саида Бекназарова асосли таклифлари билан эътиборини қозongan шогирдларидан бири. Тизимли дастурни яратишнинг ўзи жуда ҳам мураккаб, кўп меҳнат талаб этадиган жараён. Аммо Саида илм йўлида доим олдинга ҳаракат қилади ва янги усуллар ва дастурий технологиялар яратиш, ахборот ресурсларига ITAV-мультимедиа тизимларида дискрет-узлуksиз ишлов бериш жараёнларини моделлаштириш усулларини яратишни илмий изланишларининг асоси деб билади.

Ахборот технологиялари барча соҳаларга шиддат билан кириб бораётган айна дамларда айнан шу йўналишнинг билимдони бўлиш инсондан, аниқса, аёл кишидан замон билан ҳамнасликда ғайрат билан меҳнат қилишни талаб этишини тан олишимиз керак. Саида Бекназарова шу соҳанинг билимдони сифатида эътироф этилаётгани, демак, у оиласи, рўзғори, фарзандларидан ортиб ўзи танлаган соҳа ривожига муносиб ҳисса қўшиб мақсадида тинчидан, ҳаловатидан кечиб меҳнат қилаяпти.

Олима Саида Бекназарова юртимиз ижтимоий ҳаётида муносиб ютуқлари билан ўрناк бўлаётган бир гуруҳ хотин-қизлар қатори Ўзбекистон Республикаси Президентининг "8 март – Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан мукофотлаш тўғрисида" ги фармони асосан "Шухрат" медали билан тақдирланди. Чин меҳнат эътирофи билан қаҳрамонимизни кутлар эканмиз, илм йўлидаги изланишларига омад тилаймиз. Зотан, Саида Бекназарова сингари илм юлдузларининг ибратли фаолияти билимга чанқоқ ёшларимиз учун ҳамisha ўрнақдир.

Гулноза ТУРҒУНБОЕВА,  
"Xabar" мухбири

# “БУ ЧИНАКАМ ҒАЛАБА БЎЛДИ. АҲТИБОРАТ ҲАЁТ АТАЛМИШ НЕЪМАТНИНГ БОШҚА КУРАШЛАРИДА ҲАМ ҒОЛИБ БЎЛГИН, ҚИЗИМ!”

Бу Президентнинг самимий табриги эди. Насибага бу тилак ўзгача жаранглади: Дикқат-этиборингни пойдор қил, илм йўлидаги машаққатларга мағлуб бўлма, илм чўққиларини мардонавор эгалла ва кашфиётлар қилиб, элу юрт дуосини ол, қизим!

...Ҳар қандай бола сингари кичкина Насиба ҳам яхши инсон бўлишни орзу қиларди. Ўқитувчисидан, ота-онасидан шундай инсонлар ҳақидаги ҳикояларни жон қўлиги билан тингларди. Зулфияхоним қизларининг узундан-узук таърифларини эшитганда, мен ҳам ҳам шундай қиз фарзанд бўлсам дер, лекин шегъ ёзмайманку, деб яна фикридан қайтарди. Ахир компьютер технологиялари бор ақлу онгини қамраб олган ўқувчи қиз бошқача қарорга бориши мумкин ҳам эмасди. Узи ўқиётган 25-мактаб яқинида жойлашган Тошкент ахборот технологиялари университети Фарғона филиалининг маҳобатли биносига ҳавас билан боқар, шу муътабар даргоҳда талаба бўлиб ўқиш юрганини хаёлан тасаввур қиларди. Мактаб йилларида ҳам, солиқ коллежида ўқиган уч йил мобайнида ҳам шу олий ўқув юртига кириш учун қаттиқ тайёрларик кўрди. Бир сония бўш вақти бўлмас, оқшом шунчалар толиқар эдики, кўлида китоб билан ухлаб қоларди. Давлат гранти асосида ТАТУ касб таълими факултетига

ўқишга қабул қилинган кунлар, қизим ўқишга кирди, дея фахриятхордан кўзлари порлаган она табассуми ва шукроналик туйғулари акс этган ота нигоҳини кўриш қанчалар бахт эканлигини илк марта ҳис этганди ўшанда. Шунча ҳозирлик кўрган бўлса ҳам бу бахт унинг учун кутилмаган, ғаройиб саодат эди. Зеро, бундай бахт ҳаммага ҳам эмас – меҳнат қилганларга, ўқиш ва ўқиш изтиробларига дош берганларга!

Талаба бўлиб илм дунёсига боши билан шўнғиб кетар экан, илм олишнинг қийин заҳматларини тодди. Ишон, сабр қил, воз кечма, хайрлиси тўғри пайтда келади – қаердадир ўқиган ана шу сатрлар билан ўзига далда берарди. Менга покиза фикр, тоза кўнгил бер, дея мавлоно Румийдан ҳам таскин изларди.

**Синовларга қасдма-қасд ўқиш, изланишда давом этверди. Илмий мақолалар устида тинимсиз ишлаш натижалари чакки бўлмади.**

Саксондан ортиқ тезис, халқаро нашрлар учун ўндан ортиқ мақолалар ёзди. Ҳаммаси матбуот юзини кўрди. Учта дастурий маҳсулот, иккита услубий қўлланма яратишга муваффақ бўлди. Ҳа, илмга ташна бўлсанг, ташналик камаймас, балки ак-

синча ортиб бораверар экан. “Кутубхона иштини автоматлаштириш дастурий таъминоти”, “Телекоммуникация хизматлари учун аризаларни рўйхатга олишнинг автоматлаштирилган тизими”, “Фуқаролар ўз-ўзини бошқариш органларида бухгалтерия ҳисоби” дастурлари устида ишлаш ҳам осонлиқча кечмади. Бунда у устозлари Нурмуҳаммад Жўраев, Иброҳимжон Тожибоев, Иномжон Билоловларнинг йўл-йўриғларига таянди. Маслаҳатларига қўлоқ тутди. Не бахтки, илм йўлида ривозат чекишнинг мукофотлари ҳам бисёр экан. Беришнинг номидаги давлат мукофоти совриндори бўлишга, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Фахрий ёрлиғини олишга муяссар айлади. Ана шу шарафли лаҳзалар Насиба учун ўн чандон ортиқроқ масъулият билан изланишга даъват бўлди.

Мана, энди у магистр. “Темир йўл тизимида ахборот хавфсизлигини таъминлаш методологиясини ишлаб чиқиш” мавзусидаги магистрлик иштини ёруғ юз билан ёқлаш умидида тинимсиз изланмоқда. Темир йўл тизимида онлайн чипта буюртма қилиш давомида вужудга келиши мумкин бўлган ташқи ҳужумларнинг олдини олишга янгиликлар киритиш ҳам ёш тадқиқотчининг асосий мақсадларидандир.

8 март – Халқаро хотин-қизлар кўни муносабати билан Ахборот технологиялари ва комму-



никацияларини ривожлантириш вазирлиги Шуҳрат Содиков вазирлида юксак мукофотлар билан тақдирланган хотин-қизларимизни ушбу ютуқлари ва нафосат айёми билан муборакбод этди. Ана шу фавқуллодда эҳтиромга тўла дақиқалар Насиба Ҳомидованинг бир умр ёдида қоладиган бўлди. Кўрсатилган эътибор учун миннатдорлик билдирад экан, “Илмий кашфиётлар қилишга бор куч-салохиятимни сафарбар этман. Умиримнинг охиригача илмий иш билан шуғулланман. Халқимиз ишончини, албатта, оқлайман”, – дея сўз берди.

Ҳа, Фарғона шахрининг Муҳаббат маҳалласида яшовчи – коммунал фойдаланиш ва таъмирлаш кор-

хонаси электриги Юнусжон ва шифокор Турсиной Ҳомидовлар оиласида бугун шодумонлик ҳукмрон. Бу хурсандчиликнинг сабабчиси турган гапки, тўрт солих фарзанднинг бири бўлиши Насибахоннинг Зулфияхоним издошлари сафидан ўрин олганидир. Ота-она дуосини олиш, ризолигига қадамба-қадам эришиб боришдек бахтиёрлик сизга муборак бўлсин! Ҳамма ёшлар ҳавас қиладиган даражаларга етдингиз, Насибахон, асло кам бўлманг! Эзгу илмий ишлар билан сира чарчаманг, дейимиз.

**Ҳафиза САЛЯҚОВА,**  
“Хабар”нинг Фарғона вилоятидаги мухбири

## НУРАФШОНДА БАЙРАМ

“Ўзбектелеком” АКнинг Тошкент филиали алоқачилари аҳолига кўрсатилаётган хизмат сифатини ошириш борасида бор куч ва имкониятларини ишга солган ҳолда меҳнат қилмоқдалар.

Шу билан бирга, раҳбарият томонидан ходимлар ижтимоий ҳимоясини мустақамлаш, улар қадрини оширишга катта эътибор қаратилаётир. Филиалда бу борада олиб борилаётган ишларга кўпинча Абдумалик Чоршанбиев раҳбарлигидаги Ёшлар иттифоқи бошланғич ташкилоти фаоллари ва аъзолари етакчилик қилиптилар.

8 март — Халқаро хотин-қизлар кўнини нишонлашга бағишланган тадбир ҳам ёшлар фаоллиги остида ташкил этилди. Шу кўни аёлларга алоҳида эҳтиром кўрсатилди, меҳнатлари эътироф этилиб, улар қимматбахо совғалар билан сийланишди. Зеро, бу ерда меҳнат қилаётган 1024 нафар мутахассиснинг 270 нафари аёллардир — Ҳаётимиз кўрки, оилаларимиз фойзи, қалбимиз қувончи бўлган меҳрибонларимиз,



қадрли онажонлар, азиз опасингиллар, – деди тадбирни очар экан филиал директори Абдурашид Абдумўминов. — Филиалимиз эришаётган ютуқларда, аҳоли розилигига эришишдек асосий мақсадимиз йўлидаги саъй-ҳаракатларда сиз азизларнинг ҳиссаларингиз катта. Сизлар бор экансиз, ҳаммисиз ҳаётимиз фойзли, ҳар бир ишимиз баракали, кўнгилларимиз хотиржам. Ҳамиша оилаларимиз, она юртимиз бахтига соғомон бўлинглар. Сизларнинг тўлиқ бахтга эришишингиз, яйраб ишлашларингиз учун қўлимиздан келган барча ишларни қилишга тайёрмиз.

Байрам тадбирида тижорат

масалалари бўйича директор ўринбосари Мирзоҳид Боқиев, бюджетни режалаштириш бўлими бошлиғи Ахтам Сулаймонов филиал Ёшлар иттифоқи бошланғич ташкилоти етакчиси Абдумалик Чоршанбиев ва бир неча фаол ёшлар азиз ва муҳтарам хотин-қизларни 8 март — Халқаро хотин қизлар айёми билан самимий табрикладилар.

Жамоадўшлари ҳурмати ва эҳтиромни, юксак эътибор ва рағбатдан мамнун кўнгиллар янада юксалди. Тадбир барчага хушқайфият бахш этди.

**Муборак МИРКАМОЛОВА,**  
“Хабар” мухбири

## МУҚАДДАССАН, АЁЛ!

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг Самарқанд вилоят ҳудудий бошқармаси ташаббуси билан 8 март — Халқаро хотин-қизлар кўни муносабати билан “Сен барибир муқаддассан, муқаддас аёл!” деб номланган байрам тадбири ўтказилди.

Тадбирда ҳудудий бошқарма бошлиғи Нодир Эшназаров олиб борилаётган ўзгаришлар ва соҳа тараққиётидаги муносиб ҳиссалари учун соҳа аёлларига миннатдорлик билдириб, энг яхши тилакларини изҳор этди.

Тадбир давомида соҳа корхоналари раҳбарлари билан бир қаторда, ТАТУ Самарқанд филиали директори Абдували Холжигитов ҳам иштирокчиларни байрам билан муборакбод этиб, филиалда меҳнат қилаётган хотин-қизлар орасида кўплаб ходимлар илмий даражага эгаллиги, бунинг исботи сифатида 2019 йилда Дилфуза Якубжанова, Дилафруз Хўжанова, Сарвара Исҳоқовалар ўз мутахассисликлари бўйича фалсафа докторлиги (PhD) илмий даражасини олишга муваффақ бўлганларини алоҳида таъкидлади.

Тадбир якунида меҳнатда алоҳида ўрнат кўрсатган хотин-қизларга эсдалик совғалари ҳамда баҳорий гулдасталар тақдим этилди.

**Абдуғафур ҲОТАМОВ,**  
“Хабар”нинг Самарқанд вилоятидаги мухбири



## 6 | МЕЖДУНАРОДНОЕ СОТРУДНИЧЕСТВО

# ВСТРЕЧА

## С ГРУППОЙ КОМПАНИЙ «VEON»



В Министерстве по развитию информационных технологий и коммуникаций Республики Узбекистан состоялась встреча министра Ш.Садикова с генеральным директором группы компаний «Veon» Кааном Терзиоглу.

Министр по развитию информационных технологий и коммуникаций Шухрат Садилов, приветствуя гостей посетивших с визитом Узбекистан, отметил, что в нашей стране созда-

ны широкие возможности для дальнейшего развития рынка телекоммуникационных услуг, привлечения инвестиций в сферу, в частности, для эффективной деятельности компаний мобильной связи.

В ходе встречи состоялся обмен мнениями по вопросам внедрения информационных технологий, новейших мобильных технологий и дальнейшего развития сотрудничества.

Стороны выразили готовность мобилизовать все усилия по развитию двустороннего сотрудничества в сфере информационных технологий.

В ходе встречи были обсуждены перспективные направления, представляющие взаимный интерес, в том числе расширение всестороннего сотрудничества в вопросах ИКТ и другие важные вопросы.

## ➔ ОБЩЕСТВО

## ОФОРМЛЕНИЕ ID-КАРТЫ ВМЕСТО ПАСПОРТА БУДЕТ СТОИТЬ ОКОЛО 200 000 СУМОВ

С 1 января 2021 года вместо биометрического паспорта будут выдаваться ID-карты, сообщили в пресс-службе МВД.

Начиная с 1 января 2021 года всем новорожденным, гражданам Узбекистана, лицам без гражданства и иностранным гражданам, постоянно проживающим на территории страны, вместо паспорта будут выдаваться ID-карты.

Они будут действительны на протяжении 10 лет и исключительно на территории страны. Для выезда за пределы страны выдается заграничный паспорт.

Карты будут выдавать планомерно без какой-либо дополнительной нагрузки с 1 января 2021 года до 1 января 2030 года.

За оформление и выдачу ID-карты будет взиматься пошлина в размере 89% от базовой расчетной величины (на момент публикации это 198 тыс. суммов).

Замена ранее выданных биометрических паспортов гражданина образца 2011 года, видов на жительство для лиц без гражданства и иностранных граждан будет проводиться по мере окончания срока их действия либо досрочно по желанию их владельцев.

С 1 января 2030 биометрические паспорта образца 2011 года будут считаться недействительными.



## ➔ ТРИБУНА МАГИСТРАНТА

# ИССЛЕДОВАНИЕ МЕТОДОВ ЦИФРОВОЙ ОБРАБОТКИ СИГНАЛОВ НА ПРОТЯЖЕННЫХ ОПТИЧЕСКИХ ЛИНИЯХ

Всем, кто сталкивался с основами построения телекоммуникационных каналов, известно, что для передачи данных на высоких скоростях в магистральных линиях используется волоконно-оптическая система передачи. Для того чтобы поддерживать высокие скорости передачи без регенерации сигнала на дальние расстояния, стали использовать технологию, которая была предложена еще в 1970-х гг. но не стала популярна.

Имя этой технологии – когерентная система передачи данных в оптической линии связи. Само исследование основывалось на когерентном приеме, но самая важная часть, которая и позволяет наращивать скорость без применения регенерации сигнала на дальних расстояниях – это применение DSP (цифровой обработки сигнала).

Цифровая обработка детектированного сигнала, которая состоит в электронной компенсации дисперсионных искажений и нелинейных продуктов, восстановления фазовых соотношений несущих частот, декодировании цифровых данных, коррекции ошибок FEC, идентификации канала и др.

Изначально четыре потока символов с АЦП, соответствующие действительным и мнимым частям (I и Q) двух потоков комплексных символов, по одному «комплексному потоку» для каждой поляризации, поступают в блок устранения неточностей входного интерфейса, далее в блок преобразования частоты дискретизации, который преобразует асинхронную частоту дискретизации в частоту, равную 2 отчетам/символ.

К неточностям входного интерфейса могут относиться временное рассогласование между четырьмя компонентами сигнала из-за неравенства оптических и электрических путей внутри

когерентного приемника, неравенство амплитуд этих сигналов из-за различия в величинах токовой чувствительности балансных приемников и отклонения от номинальных значений фазовых задержек в гибриде.

Основные нелинейности сигнала, обусловленные природой оптического волокна, является хроматическая дисперсия, при которой различные длины волн света имеют разную скорость распространения в волокне. Этот эффект можно рассматривать как комбинацию материальной и волноводной составляющих. Материальная составляющая обусловлена свойствами стекла, из которого изготавливают волокно. Волноводная составляющая зависит от геометрии волновода волокна. Так как этот эффект является стационарным, то мы можем просто выполнить линейную фильтрацию с обратной передаточной функцией по отношению к волокну. Это фильтр может быть использован как в частотной области, так и во временной.

Адаптивный эквалайзер используется для компенсации остаточной хроматической дисперсии, поляризационной межмодовой дисперсии (PMD), и уменьшения межсимвольной интерференции. Для системы с двойной поляризацией структура дрессельной заслонки используется для поляризационного демультимплекса. В DSP использу-

ется алгоритм с постоянным модулем радиуса (CMA-RD – constant modulus algorithm – radius direct). Этот алгоритм обеспечивает минимизацию отклонения амплитуды сигнала от некоторого искомого среднего значения.

Оценка несущей фазы необходима из-за изменяющейся относительной фазы TX- и LO-лазеров из-за их ненулевой ширины линии лазера. Как и при оценке частоты, модуляция должна быть удалена из сигнала и шум должен быть усреднен. Несколько уникальным аспектом когерентных оптических систем является то, что относительная ширина линии намного выше, чем в беспроводных системах. Это означает, что оценка фазы является гораздо более ограничивающей задачей для оптических систем, и эти алгоритмы, следовательно, гораздо более важны для работы системы, чем для беспроводной связи. Далее будет рассмотрен алгоритм Витерби и цифровой цикл с фазовой автоподстройкой, который часто используется для модуляции QAM более высокого порядка.

На последнем этапе применяется алгоритм исправления ошибок (FEC), снижающий относительное количество ошибочных битов BER. При работе программы FEC вычисляется коэффициент ошибок BER до исправления (BER до FEC). Критическому значению BER после FEC 10-12 соответствует пороговое значение BER до FEC 1,9x10<sup>-2</sup>.

В данной работе были исследованы два формата модуляции DP-16QAM (как модуляция, используемая на текущий момент) и DP-128QAM (чтобы показать, почему этот формат не эффективен на длинные дистанции). Рассматриваемая скорость была 112 Гбит/с.

На выходе DSP устройства присутствуют четкие созвездия, что позволяет получить почти безошибочную информацию. При дальнейшем увеличении дальности оптической линии созвездия «расплываются» и вероятность ошибочного приема увеличивается. На рисунке 3 представлена диаграмма созвездия на длине 450 км.

Для сравнения так же представлена модуляция DP-128QAM. Максимальной дальности удалось достигнуть 90 км. На большей линии созвездия становились слишком близко друг другу и практически не распознаваемыми.

Если же увеличивать длину пролета оптической линии, то созвездия начинают накладываться друг на друга. И это уже на длине 100 км. Соответственно, применять столь большой формат модуляции не целесообразно, ввиду того, что потребуются устанавливаемые слишком часто промежуточные станции. Если рассматривать с экономической точки зрения, то система оказывается дорогой в обслуживании и поддержании станции.

Цифровая обработка сигналов совместно с когерентным приемом позволяет использовать гигабитные скорости на длинных дистанциях оптического пролета без использования промежуточных станций.

В ходе проделанной работы были рассмотрены только два вида модуляции, для того чтобы сравнить и понять, почему увеличение форматов модуляции не стало решением вопроса о росте пропускной способности.

Бекзод УТКУРБЕКОВ,  
магистрант 2-курса ТУИТ имени  
Мухаммада ал-Хоразми

СЎРАНГ, ЖАВОБ БЕРАМИЗ

# МОНТЕССОРИ

## ТАЪЛИМ ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ БЕРСАМИЗ

— Мен узоқ йиллар мактабгача таълим тизимида меҳнат қилиб, бугунги кунда пенсиядаман. Шогирдларимдан бири телефонда гаплаша туриб, Монтессори таълим тизими ҳақида гапириб қолди. Ҳурматли тахририят ходимлари, сизлардан бундай таълим тизими ҳақида маълумот беришингизни истар эдим.

Гулбахор ҲАЙДАРОВА, Тошкент шахри

— Аввало, таълимнинг нима учун шундай номланиши ҳақида маълумот берсам. Монтессори ким — Мария Монтессори италиялик машҳур педагог бўлиб, бугунги кунда жаҳон мактабгача таълим тизимида унинг ноанъанавий 10 қондасига амал қилинган ҳолда мазкур тизимда катта муваффақиятларга эришилган.

Зеро, мактабгача таълим муассасаси ҳамда мактаблардаги ўқув-тарбия жараёни болаларнинг қобилият ва лаёқатини ҳар томонлама ривожлантириш, уларнинг шахсини шакллантиришга қаратилган бўлиб, жараёнинг мақсулдорлиги педагогнинг болаларни яқиндан билиши, таълим ва тарбиянинг хилма-хил усулларини қўллашга боғлиқ. Монтессорининг давлатлараро машҳур 10 қондаси бўлиб, улар куйидагилардан иборат:

■ Мария Монтессори болага унинг хоҳиш-истакларига қараб муносабатда бўлиш энг тўғри ва ягона йўл, деган қатъий фикрни илгари сурган. Бола учун нима муҳимлиги унинг ўзигагина маълум. У сувни идишларга қўйиб, хоссалари ва жозибасини ўрганишга бир соат вақт кетказиши мумкин, бу пайтда болани бошқа машғулота қалғитиш монтессори педагогикасига зид.

■ Бола таълим жараёнининг асосий ҳаракатлантирувчи кучи бўлиб, катталар мунтазам равишда кичкинтой билан ҳамнафас ҳолда боланинг табиий қизиқишларини сўндирмаслик, билим олишга бўлган эҳтиёжларини барбод қилмаслик учун эҳтиёткорона ёндашиши керак.

■ Муҳит — монтессори педагогикасининг пойдеворидир. Болалар хонасидаги жиҳозлар уларнинг эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда жойлаштирилади ва қизиқишларига мос равишда ўзгаришиб турилади. Тарбиячиларнинг қўллари “гуруҳ пулси”да бўлиб, болаларни кузатиб боради ва жиҳоз, кўргазмаларни машғулотлар мазмуни, долзарблигига қараб аниглайди. Монтессори таълимоти бўйича мактабгача таълим муассасаларида тарбияланувчилар учун сенсор амалий нутқ ўстириш ва ривожлантириш муҳити, математик тасаввурларни шакллантиришга шароит яратиш лозим.

■ Болалар жуда кўп нарсалар



ни тенгдошларига қараб ўрганади. Турли ёшдаги болалар жамоаси бундай тажриба алмашиш учун қулай муҳит. Бола вақт ўтиб қандай ривожланиш даражасида бўлиши кераклигини катталардан ўрганса, ўзидан кичиклар билан ҳаётий тажрибасини бўлишидан завқланади.

■ Гуруҳдаги болалар машғулот учун махсус хонага киргач (монтессори методикасида майда ва йирик моторикани ривожлантирувчи, табиат билан таништирувчи, нутқ ўстириш машғулотлари ва ҳоказолар учун алоҳида хоналар жиҳозланади), унинг хоҳиш-истаклари ҳисобга олинади. Янги билимлар тарбиячи томонидан баён қилинган, бола ўзи танлаган ўйинчоқ ёки жиҳоз билан ўйнаш, баъзан бу жараёнда улар битта ўйинчоқни талашиб қолиши мумкин. Бу ҳолат монтессори методикасининг кейинги қондасини келтириб чиқаради.

■ Болалар ўзининг мустақил фикрини эркин баён қилиш, бошқалар фикрини ҳурмат қилиш, бир-бирлари билан ҳамкорликда ишлаш, ўзаро тил топишишни эркин муҳитдан ўрганади. Буни тарбиячи назорати таъминлайди.

■ Монтессори гуруҳида болаларга босим ўтказилмайди, унинг қўлидаги “бу ёққа бер!” деб тортиб олишга йўл қўйилмайди. Масалан, табиат билан таништириш машғулотларида бола барглари ўрганиб ўтирган бўлса, икки дақиқадан сўнг сабзавотлар билан шуғулланишни хоҳласа, “Қарагин, қандай чиroyли рангли барглар бор” дейилмайди, бу мазкур методикага зиддир.

■ Гуруҳда, ҳатто катталар ҳам амал қиладиган қондалар мавжуд. Масалан, гуруҳдаги ҳар бир жиҳоз, кўргазма ва ўйинчоқларнинг ўзи жойи бор. Болалар (катта-

лар ҳам) машғулотдан сўнг ҳамма нарсани ўз жойига қўйиш кераклигини яхши билади.

■ Монтессори методикасида шундай жиҳозлар борки, бола мустақил равишда шуғулланиб, янги билим ҳосил қилади. Масалан, турли шаклдаги цилиндрларни ўз ҳажмига мос жойларга жойлаштириш. Кузатишлардан маълум бўлдики, тарбиячи кўрсатмаси билан топшириқни бажарган болалар эртасига ушбу вазифани қайтадан кўрсатиб беришда хатоликка йўл қўйди, мустақил бажарган болалар цилиндрларни деярли бехато бажарди. Мустақил ўзлаштириш жараёнида кўпроқ вақт талаб қилиниши мумкин, лекин улар олган билимларини хотираларида мустаҳкам сақлаб қолади.

■ Боланинг мустақиллиги қўллаб-қувватланади, ҳеч ким уни шошириб, керак бўлмаса ҳам ёрдам беравермайди. Лекин ҳар бир бола доим савол туғилганда тарбиячининг ёрдам беришини ҳис қилади.

Мария Монтессорининг ўз даврида бутун инсониятга қилган қўлидаги мурожаати мавжуд: “Бизда шундай муаммо бор — катталар ривожланишининг диққат-марказида туради. Агар ҳокимият этиборини болаларга, улар қалбига қаратса, биз тинчлик ҳукми сурган дунёни қураемиз. Билим — тинчлик куралидир”.

Бугунги кунда Президентимизнинг мактабгача таълим тизimini ривожлантиришни давлат сиёсати даражасига кўтариши ана шундай осойишталик ҳукми сурган дунёни қуришимизга замин бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

Сурайё ҲУСАНОВА,  
Куйичирчиқ туманидаги  
“Кўзумчоқ” болалар  
боғчаси мудираси

Финляндияга келганимга икки йилдан ошди, ҳамон ўқув тизимини кўриб ҳайратланишдан тўхтамайман.

Кечаги куни қизимнинг фин мактабига борганига бир йил тўлиши муносабати билан тўлақонли синфга кўчиши сабаб ота-онасини, яъни бизни мактабга таклиф қилишди.

## ҲАТО БЎЛСАЯМ ЎЗ ФИКРИНГНИ ЁЗАВЕР!

Олдиндан тайинланган вақтда мактабга бордик, бизни мактаб директори, синф раҳбари, янги синфдаги синф раҳбари, яна бир ўқитувчи кутиб олди.

Финляндиядаги тартиб-қоидага кўра, бу ерга хориждан кўчиб келган ўқувчилар бир йил давомида махсус синфда асосан фин тилидан таълим олади, баъзи дарсларни умумий синфда ўтади. Энди қизим ўша махсус синфдан умумий синфга кўчди.

Шу бир йил давомида мактаб томонидан катта ёрдам берилди. Қийналган фанлардан кўшимча ўқитувчи (репетитор)лар берилди. Ҳаттоки, мактабдан кейин Финляндия билан яқиндан танишиши учун ҳам алоҳида ўқитувчи бириктириб қўйилди.

Энди умумий синфга ўтар экан, баъзи фанлар тўғрисида ота-оналар билан маслаҳатлашиб, бизнинг розилигимизни олиш учун қақиритди. Биринчи ўринда дин дарси муҳокама қилинди. Биз мусулмон бўлганимиз учун Исломо тарихи дарси ўтиларкан. Кейин фин мактабларида мажбурий бўлган швед тили дарсини муҳокама қилдик. Мактаб маъмурияти барча учун мажбурий бўлган бу дарсдан қизимни истисно тариқасида озод этди. Сабаби, қизим шундоқ ҳам иккита чет тили (фин, инглиз)ни ўрганадигани учун учинчиси оғирлик қилади, деб ҳисоблашди.

Ўзи фин мактабларида фин тили билан швед тили мажбурий, бундан ташқари, яна иккита чет тилини ўрганишлари шарт, инглиз тили ва яна битта чет тилини ўқувчи ўзи танлайди. Мактабни битиргунча ҳар бир ўқувчи тўртта тилда эркин гаплаша оладиган даражада бўлади.

Биз учун яна бир янги фан — ўқувчиларни ҳаётга тайёрлаш экан. Бу дегани, ҳар бир ўқувчи индивидуал тарзда ёндашиб, қизиқишлари, кучли ва кучсиз томонларини ҳисобга олган ҳолда келажакда шу ўқувчига мос мутахассисликни танлашда ёрдам бериши. Яъни, ўша соҳа бўйича чуқурроқ ўқитиб олиш ўқув юртлигига йўлланма бераркан. Фин таълим тизимининг дунёда тан олинган кучли томонларидан бири ҳам шу бўлса керак.

Дарслар борасида муҳокама тугагач синф раҳбари қизимнинг кучли ва кучсиз томонларини айтиб, ўз маслаҳатини берди. Фин мактабларида ўн балли баҳолаш тизими йўлга қўйилган. Ўқитувчининг айтишича, қизим бирор саволнинг жавобини аниқ билмаса, ёзмас экан. “Ҳато бўлсам ўз фикрингни ёзавер, бунинг учун ҳеч ким сенга минус баҳо қўймайди, савол жавобсиз қолгандан кўра нотўғри бўлсам жавоб бўлгани яхши. Тўғри жавоб баҳоланади, нотўғри жавоб учун жазо йўқ”, — деди ўқитувчи.

Бир ярим соат давом этган давра сўхбатини синф раҳбари олиб борган бўлса, ҳаттоки, мактаб директори ҳам қараган одамга синф раҳбари директорга ўхшаб кўринарди. Баъзи ўринларда синф раҳбари қизимни энг яхши билган ўқитувчи сифатида директорга яхши топшириқ бериб юборди. Директор ҳам худди маориф вазиридан топшириқ олаётгандек блокнотига баъзи нарсаларни белгилаб ўтирди.

Қизимга керакли фанлардан бемалол қўшимча репетитор олишимиз мумкинлигини эслатиш билан мажлис якунланди.

Акмал АНДИЖОНИЙ  
Муаллифнинг “Фейсбук”  
саҳифасидан олинди

## 8 | ЙЎЛ-ЙЎЛАКАЙ

**Йўқотиш... айнан йўл-транспорт ҳодисаси сабаб...**  
**Бу ҳаётимизга бугун соя солаётган бахтсиз ҳодиса эмас. Бир сонияда бир умрлик оғриқ, изтироб аламларини ичига ютганлар ҳам йўқ эмас орамизда.**  
**Бунда энг катта камчилигимиз — баъзан ҳавойи кайфиятга берилиш ва эътиборсизлик, оқибатини ўйламай қарор қабул қилиш.**



# ЙЎЛЛИГИЗ БЕХАТАР БЎЛСИН!

Соат тушга яқинлашиб қолган. Йўналиши бўйича бир маромда ҳаракатланаётган автобусда йўловчилар сийрак. Бирдан автоматининг тормозининг кулоқни қоматга келтиргудек чийиллаган овозидан ҳамма сергак тортиб, атрофга аланглади. Баъзи бировлар нима бўлганини тушунмай ҳам қолди. Мен ҳам шундоқ ёнимдаги тик турган икки ўспириннинг "Воой, биринчи "паласа"дан тўртинчи "паласа"га киприк қоққунча қанот чиқариб учиб ўтдимми, бу? Емонам шумохер экан-да ўзиям, қойил. "Малибу"ям балиқдай сузади-да. "Номер"ни қара, учта бирми?.. ГАИ йўқ эканда?! Шундоқ тўрға тушарди-да?!" каби ўзаро суҳбатидан дарҳол йўлга қарадим. Куюқ оқ чизик билан иккига, кейин узук-узук чизиклар билан йўлакларга бўлинган катта ва кенг йўл. Ўспиринларнинг завқини оширган, кимларнингдир юрагига бир сония ҳадик ва ваҳима солган "балиқ"дек сузувчи улов ҳам анча олислаб кетибди. Афсус, учта бир хил рақамли "номер"ни кўролмай қолдим-да.

Шумахер менинг лугатимда янги сўз. Ўйлаб қарасам, бу сўзни ишлатишга ҳеч эҳтиёж сезмаган эканман, қаранг. Маъноси ва қўлланиш вазиятга қараб бу сўз маҳоратли ҳайдовчиларга қарата айтиладиган "таъриф" экан. Шу онда ўспирин йигитчаларнинг бир онлик завқини тушунгандек бўлдим. Бошқаларни билмадим-ку аммо мен бу завқни ўзимга сингдира олмадим.

Бугун кундалик турмушимизда шахсийи, жамоатникими автомобиллар узоқни яқин, оғирни энгил қилувчи бир ҳаётий заруратга айланиб улгурган. Кўпчилик шахсий машиналаридан фойдаланишининг афзалликларини билади ва ўзи, оиласи, яқинларига шундай қулайликни яратишга ҳаракат қилади. Шу босидан бугун шаҳар, ҳатто узок қишлоқларимизда ҳам автома-

шинанинг сезиларли даражада ортганининг гувоҳи бўламиз. Айниқса, пойтахт кўчаларида бу ҳол яққол кўзга ташланади. Бу яхши ва инсонга хуш ёқади. Аммо кейинги вақтларда автотранспорт воситалари иштирокидаги йўл ҳаракати қоидалари билан боғлиқ бахтсиз воқеалар ҳақидаги хабарларга тез-тез дуч келяпмиз. Йўл ҳаракати қоидаларига амал қилмаган ҳайдовчилар, пиёдалар, ноқулай об-ҳаво туфайли йўл-транспорт ҳодисаларида қурбонлар берилиши ҳар бир инсоннинг юрагига оғриқ дард бўлиб қиради. Инсон тақдири унинг ҳаёти билан бевосита боғлиқлик ҳар онда сергакликка чорлайди. Тўғри, бундай вазиятларга ҳеч ким ўзи хоҳлаб тушмайди, аммо "Фалокат оёқ остида" деганларидек, ҳар доим қандайдир сабаблар, баҳона, ваз топилаверади.

Бугун ишга келаётиб мобил телефоним ёрдамида ижтимоий сайтлардан бирида светофорнинг қизил чироғида ўтиб кетиш оқибатида икки кишининг ҳалок бўлгани ҳақидаги хабарни ўқиб, юрагим алланечук бўлиб кетди. Яқинда машиналар тўқнашуви икки-уч нафар аёл, эркак, яна бошқасида ёш боланинг умрига зомин бўлганидан анча вақтгача ўзимга келолмай юргандим. Орамизда "Рулга ўтиргандан кейин эътиборлироқ бўлиш керак-да", дея қайсидир маънода ҳақ ёки бироз совуқонлик билан муносабат билдирадиганлар ҳам бор.

Машина темир буюм — бирор жойи қийшайиб синса ёки пачоқ бўлса таъмирланар, нари борса металл. Аммо йўл-транспорт ҳодисаси сабаб ногиронлик, яна бошқа бирор дард орттириб олиш, ўлим ҳолатлари шунчаки қўл силтайдиган воқеа эмас. Бунда гап бир инсон тақдири, унинг бутун бошли ҳаётига тегишли. Масаланинг ўйлантирадиган жиҳати

**Маълумотларга кўра, 2-3 йил аввал ҳар учинчи йўл-транспорт ҳодисасида пиёда айбдор бўлар ёки жабрланса, бугунги кунда ҳар иккитадан биттасида пиёда ё иштирок этапти, ё айбдор бўлмоқда экан.**

ана шу инсон кимнингдир отаси ёки онаси, фарзанди, акаси ё опаси эканлигида. Оддий мисол: "Машинасини уриб олибди", деган гап қўлогимизга тушса, дарҳол "Ўзи яхшими, машина темир, топилади", деймиз. Биргина шу сўврон ортида ана шу инсоннинг ёнимизда борлигини ҳис этиб, энгил тин оламиз. Минг афсуски, бундай вазиятларда ҳар доим ҳам саволларга маъзун жавоблар қайтади.

Йўқотиш... айнан йўл-транспорт ҳодисаси сабаб... Бу ҳаётимизга бугун соя солаётган бахтсиз ҳодиса эмас. Бир сонияда бир умрлик оғриқ, изтироб аламларини ичига ютганлар ҳам йўқ эмас орамизда. Бунда энг катта камчилигимиз — баъзан ҳавойи кайфиятга берилиш ва эътиборсизлик, оқибатини ўйламай қарор қабул қилиш. Кўп тармоқли катта йўлларда тезликни ошириш, светофорнинг чироқларига амал қилмаслик ёки сабри сонияларга етмаган йўловчилар билан боғлиқ аварияларнинг аянчли якуни.

Маълумотларга кўра, 2-3 йил аввал ҳар учинчи йўл-транспорт ҳодисасида пиёда айбдор бўлар ёки жабрланса, бугунги кунда ҳар иккитадан биттасида пиёда ё иштирок этапти, ё айбдор бўлмоқда экан. Айниқса, йўлларда мобил телефонда мусиқа эшитиш, ижтимоий тармоқларга "сингил" атрофга аҳамият қаратмай, ҳатто машина келаётганини пайқамай қолиш оқибатлари оғир йўл-транспорт ҳоди-

саларига сабаб бўлаётганини инобатга олсак, вазиятнинг "қаҳрамони" — сабабчиси, кузатувчиси, қурбони ҳам одамларнинг ўзи эканлиги кўринади.

Шу ўринда бир факт тахлили: ИИБ йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси жорий йилнинг 21-31 январ кунларида мамлакат бўйлаб 125та йўл-транспорт ҳодисаси рўй бергани ва унда 54 нафар фуқаро ҳалок бўлгани ҳақида маълумот берди. Феврал ойининг дастлабки 10 кунини эса Ўзбекистонда 126та ИТХ қайд этилган бўлиб, уларда 41 киши ҳалок бўлган, 136 киши жароҳатланган.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотига кўра, 2018 йил ИТХда ҳалок бўлганлар сони бўйича Ўзбекистон дунёнинг 175та давлати орасида 117-ўринда қайд этилган. Ўша йили Ўзбекистонда ИТХ натижасида ҳалок бўлганлар сони ўртача 100 минг кишига 11,5 нафардан тўғри келган. 175 давлат орасида 117-ўрин.

Яқинда маҳалламизда бир ёш йигит автотранспорт ҳодисаси туфайли вафот этди. Унинг бир-бирдан ширин икки фарзанди етим, ёшгина аёли ёлғиз, оиласи боқувчисиз, ота-она нақирон ўғлининг қайғусида қолди. Ҳаётда биргина яқинидан ажралишининг руҳий изтироби қанчалар оғир эканлигини билганим боис, юқоридаги келтиришда атиги ўн кун ичида 54 нафар инсоннинг ҳалок бўлиши ортида неча-неча инсонлар қалбига ғам-андуҳ соя солиб, ҳаёти мутлақо бошқа тусга киришини тасаввур қилишнинг ўзи азоб эмасми?

Йўл-йўлакай ҳар кунни йўл ҳаракати қоидаларини тартибга солувчи битта белги ёки шифога кўзимиз тушади. Бунга хавфсизлигимиз, тинч ва бахтиёр кунимиз кафолати сифатида қаровчилар кўп. Аммо баъзан ДАН ходимини кўргангагина йўл ҳаракати қоидаларига қатъий амал қилиш кераклиги ёдига тушиб қоладиган ҳатто қоидабузарлигини тан олмайдиган, ён-атрофдаги автоуловларнинг русумига қараб ҳам "хурмат" қиладиган ҳайдовчилар, йўлнинг белгиланмаган жойидан зумда кесиб ўтишни кўзлаган йўловчиларнинг борлиги ўйга толдиради.

Бувим ҳар гал бирор юмуш билан йўлга отлансак, дуога қўл очиб, албатта, "Йўлинг беҳатар бўлсин, болам" дея қўшиб қўярдим. Қоидабузарлик, тажрибасизлик, шовша-шошарлиги эътиборсизлик сабаб йўлдаги турли нохуш ҳолатларга гувоҳ бўлганимда, бувимнинг дуолари мағзини қаққандек бўламан. Ҳақиқатан ҳам ҳаётимиз ҳар қандай вазиятда завқли онларга тўла, йўлимиз беҳатар, равон бўлиши, аввало, ўзимизга, ўзаро хурмат эътибор билан муносабатда бўлишимизга боғлиқ.

Гулноза ТУРҒУНБОЕВА,  
 "Xabar" мухбири

**“ ИИБ йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси жорий йилнинг 21-31 январ кунларида мамлакат бўйлаб 125та йўл-транспорт ҳодисаси рўй бергани ва унда 54 нафар фуқаро ҳалок бўлгани ҳақида маълумот берди. Феврал ойининг дастлабки 10 кунини эса Ўзбекистонда 126та ИТХ қайд этилган бўлиб, уларда 41 киши ҳалок бўлган, 136 киши жароҳатланган. ”**

# КУНИМИЗ ОСУДА, ТУНИМИЗ СОКИН

Бу дамларнинг қадрига етайлик

Бизга қўшни мамлакат Афғонистон UNICEF ҳисоботида туғилиш учун энг ёмон мамлакат деб таърифланди. Уруш туфайли мамлакатдаги болалар аҳволи жуда яам ночор. 2009—2019 йиллар оралигида 6463 нафар бола ўлдирилган, 14957 нафар бола эса жароҳатланган. Шу йиллар давомида 162та мактаб яроқсиз ҳолатга келган, мактаб ёшидаги болаларнинг тенг ярми таълим олишдан маҳрум. Икки миллион афгон боласи тўйиб овқатланмайди, улардан 600000га яқини очликнинг энг хавфли босқичида.



Афғонистонда уруш бошланган йиллари беш яшар қизча эдим. Бу 1979 йилларга тўғри келади. Уша пайтларда Ўзбекистон собиқ иттифоқ таркибида бўлгани боис, ҳарбий хизматга борадиган йигитларнинг кўпчилиги Термиз орқали Афғонистонга юбориларди. Кунора қишлоқда ваҳимали гаплар, “Фалончи ўғлининг тобутини самолётда олиб келишибди, онаси хушидан кетиб қолибди”, “Фалончи аканинг ўғлидан қора хат келибди, ўзи номнишонсиз эмиш...” Афғонистондан қайтган йигитларнинг ҳам бир оёғи йўқ, бир қўли кесиб ташланган бўларди... Оёқ-қўли бут қайтганлари эса тез-тез рухий шифохонада даволанишга тўғри келарди. 1989 йилнинг феврал ойида собиқ иттифоқ қуроли кулчари ҳарбий қисми Афғонистон халқ демократик республикасини тарк этди. Аммо энди бу юрда фуқаролар ўртасида ўзаро жанглар бошланди. Хайриятки, йигитларимизга у юртларнинг юзи тескари бўлди. Аммо... бугун мени бир нарса қийнайди. Орадан 41 йил ўтбдики, ҳамон бу мамлакат уруш олови ичида.

Уша йиллари ҳарбий хизматга қақирилган Турдиали амакимни Термиз орқали Афғонистонга олиб кетадиган бўлишди. Бувим раҳматли ҳар кунни Худонинг зорини қилиб шу урушни бошлаганларни қарғар, юртнинг болаларини паноҳингда асрагин, деб дуо қиларди. Омади бор экан, амаким Афғонистонга кетмади. Бувим раҳматли бир норғул ўғлидан ажралиб қолмаслик учун қанча тунларни нола қилиб ўтказган эди. Қишлоқдаги бирор оиланинг фарзандидан ажралиб қолиши ҳамма учун мотамга айланарди. Аммо

бугун шу уруш туфайли Афғонистонда яшаётган олти миллионга яқин болалар оч-наҳор кун кечиришмоқда. Нега? Нима учун? Бу болаларнинг айби нима? Ҳар кеч уйкуга ётишдан олдин беш яшар ўғлимга эртак айтиб бераман. У дум-думалоқ кўзчаларини менга тикиб турли мавзуларда савол беради. Сочларидан оҳиста силаб, юзларидан ўпич оларканман саволларига жавоб бераман. Шундай кезларда томоғимга нимадир тикилиб қолади. Дунёнинг нотинч худудларида яшаётган, кўча-кўйда, дуч келган жойларда ётиб тонг ортираётган оч-наҳор болалар кўз олдимдан ўтаверади. Хаёлан уларни бағримга босгим, бошпана бергим келади. Ахир бу болаларни ҳам ота-онаси бағрида, оиласида, ўз уйида яшашга ҳаққи бор эди-ку. Ким уларни бундай бахтиёрликдан бенасиб қиялпти? Нафсига қўл бандай бўлишидан қатъи назар қурбонсиз бўлмайди. Аммо бундан энг кўп болалар жабр кўради.

Яратганга беҳисоб шукрлар бўлсинки, биз жаннатмакон юрда яшаймиз. Тонларимиз тинч, осойишта, тунларимиз сокин. Дастурхонларимиз тўкин, далаларимиз донга тўлган. Аммо бу шукроналикнинг қадрига етяпмизми?

Яқинда умумтаълим мактабларидан бир-иккитасида кузатув олиб бордим. Ҳеч кимга сир эмас, бугунги кунда мактабларда ўқитувчиларга муносабат ҳавас қилгудек эмас. Бунинг сабаби билан қизиқсангиз турли баҳоналарга дуч келасиз. Ўқитувчилар: “Ҳамма гап ота-оналарда, болаларини қаровсиз қолди-

ришяпти”, деб айблашади. Ўқувчилар эса: “Устозлар дарсга қизиқтиролмайдди, фақат форма ва давомат талаб қилади”, дейишади. Бир пайтлар ўқитувчининг исмини айтиб қақирини хурматсизлик саналарди. Ҳозир эса ўқувчилар исмини айтиш уёқда турсин, лақаб қўйиш, масхара билан гапиришни ўзларига уят санашмайди.

Ортимиздаги таълим муассасаларида ўқитувчи ҳамда ўқувчилар ўртасида зиддият кетаётган бир вақтда 2015 йилдан буён уруш ҳаракатлари кетаётган Яманда 3326 нафар бола жангларда қатнашган. Таълим муассасаларига 362 марта ҳужум уюштирилган ҳамда ҳарбий мақсадда фойдаланилган...

Ишдан қайтар чоғим туман марказида тушиб қолиб, рўзгорга ул-бул харид қилиш учун дўконга кираман. Гузарлардаги энг гавжум жой спиртли ичимликлар сотиладиган дўкон. Мисол тариқасида ўзим яшайдиган худуд, яъни Бектемир туманидаги “Сувсоз” даҳасининг одам зич яшайдиган кўп қаватли уйлар атрофида 500-600 метрлик майдон оралигида нақ бешта спиртли ичимликлар сотиладиган дўкон бор. У ерда навбат кутиб ўтирган оталарни кўриб ер чизаман. Тўғри, кеч тушди дегунча уйига, фарзандлари ёнига толганини кўтариб ошиқадиغان оталар ҳам жуда кўп. Аммо... аммо отасининг йўлига кўз тикиб ўтирган фарзандлари дийдорини шу ажалнинг уруғига алмашаётганлар ҳам йўқ эмас. Ижтимоий тармоқларни кузатаётганлар айнан ўз фарзандига пичоқ кўтараётган оталар, ўз аёлини ўлдирган эр ҳам мана шу шайтоннинг сувиға қўл бўлгани сабаб жиноят қилганига гувоҳ бўлишяпти. Дунёнинг қаерла-

ридадир оталар бугун фарзандим учун бир бурда нон топилармикан, деган ўй билан юрагини ҳовучлаб яшаётган бир вақтда бизнинг баъзи оталаримиз, акаларимиз, амакиларимиз спиртли ичимликлар дўконидан навбатда туришибди...

Эътибор беринг, Суриядаги ҳар беш нафар боланинг бири экстремал, яъни қўллик, зўравонлик шароитида яшамоқда. Ҳар дақиқалик ҳаётлари ўлим хавфи остида.

Атрофимизда иқтисодий жиҳатдан жуда яхши таъминланган оилалар кўп. Айрим ота-оналар фарзандларини боғча, мактабга бориб-келишлари учун алоҳида ҳайдовчи ёллаган. Яқинда бир маҳалладошимнинг 14 яшар ўғли 10 ёшли укаси билан мактабга машинанинг олди ўриндиғида кетишни талашиб тортишаётганига гувоҳ бўлдим. Ҳайдовчи қанча уринмасин ака-укаларни муросага келтира олмади. Натижа шу бўлдики, ака укасининг юзига жаҳл билан бир мушт туширганди, уканинг бурни қонади. Бу каби воқеаларга фақатгина тўқликка шўхлик дея ихоз бериш мумкин холос...

**Тахликали худудларда, уруш ўчоқларида болалигини бой бераётган, бегубор бу дамлардан мосуво мурғак қалблар ҳаққи-хурмати бугун фарзандларимизга оилада, боғчада, мактабда, олий ўқув юртида, маҳаллада – ҳамма-ҳамма жойда ўрнак бўлайлик. Уларга эртак айтмайлик, ўзимиз эртак қахрамонига айланайлик. Яхши инсон бўл, дейишдан олдин ўзимиз яхши амалларимиз билан ибрат бўлайлик.**


Нигора РАҲМОҶОВА,  
журналист

## 10 | ОДОБ, АДАБ, АХЛОҚ

Ота ким? Ота мард, кучли, гурурли оила бошлиғи. Оиланинг устунлиги. Фарзандлари унга ишонади, унга суянади, отаси уларни ҳар қандай офатдан, балодан сақлашига ишонгани учун хотиржам яшайди.

Грузиялик машхур ўқитувчи ва психолог Шалва Амонашвили "Отанинг ўғилга иқдорлиги" китобида ота ҳақида шундай ёзади: "Сенинг туғилишиг бир вақтнинг ўзида онанинг ва отанинг туғилиши эди. Менинг туғилишим

эди. Отанинг туғилиши эди. Ота бўлиш нимани аңлатади?"



## ОТА, ШАРАФИНГИЗГА ЭЪТИБОР БЕРИНГ!

Фарзандсиз ота бўлган майман, дейиш етарли эмас, ота оилани қўллаб-қувватлайди, оналарга болаларни тарбиялашда ёрдам беради. Ота уйга маст ҳолда дўкандан ширинликлар олиб келадиган одам эмас, ота қўлида ўралган болани эҳтиёткорлик билан ушлаб, уни сигарет тутуни ичида қолдирадиган одам эмас... Ҳўш, у ким ўзи – ҳақиқий ота?

Ҳақиқий ота ҳаётнинг барча соҳаларида меҳнаткаш. У яхши дўст, яхши ҳамкасб. Эҳтиёткорлик билан ёрдам беришга тайёр, уларни тушунишга ва завқланишга қодир. У ижтимоий фаол, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳимоячиси. У ҳеч кимни камситишига йўл қўймайди. Ота ҳар доим ўз хотинига меҳр-муҳаббат, ота-онага бўлган севги ва ҳурматни намойиш этади, уйга қувонч ва ғамхўрлик олиб келади. У ўнг қўлида ўғлининг қўлига болға ушлаб, чап қўлида миҳни ушлаб туради ва шу билан бирга улар болалар боғчасига дастгоҳ ясаб, тахтага миҳ қоқишади. Бола хўрсинса хўрсинади, хафа бўлса хафа бўлади. Ишончим комилки, фақатгина бундай оталар (ва албатта, худди шундай оналар) ўз фарзандларини тарбиялашда муваффақиятга эришадилар. Биз болаларимизга оталари ва оналари билан фахрланишлари учун маънавий ҳуқуқлар беришимиз керак, чунки биз улар буни қандай хоҳлашларини биламиз. Ва отажон ҳалол, адолатли ва сезгир, ўз фарзандлари учун умр-бод дадажон бўлиб қолади. У ҳатто вафотидан кейин ҳам неваралар фотосуратлар орқали танишган тақдирда ҳам уларга таълим беришни ва насиҳат қилишни тўхтатмайди. Мен шунчаки ҳайратли ҳоҳлайман: "Ота, шарафингизга эътибор беринг, чунки бу биз болаларга қолдирадиган энг қимматли меросдир!"

Лекин орамизда шундай

Бирам беўхшов мақолимиз бор: "Бола белда, хотин йўлда". Мана шундай қарашлардан қутула олмас эканмиз, ҳали кўп бола етим бўлади, кўп аёл бева бўлади.

оталар борки... Улар оталик қандай бўлиши кераклини эмас, ҳатто ота бўлганини ҳис қилмайдилар. Яқинда бир ота фарзандига алимент тўламастик учун боласини каналга отиб юборганди. Кейинги пайтларда хорижга ишлашга кетиб йиллаб боласини кўрмаётганлар ёки оиласидан воз кечиб ўша томонларда яна бошқа оила қуриб яшаётганлар, оқибатда кўз очиб кўрган аёли бевага, фарзандлари тирик етимга айланиб қолаётганлар ҳақидаги воқеаларга кўплаб гувоҳи бўляпмиз. Шунда ўйлайсан, наҳотки инсон қадри шунчалар паст бўлса. Оила аталмиш кўргоннинг пойдевори мўрт бўлса. Ахир оила муқаддас деб бонг уришларимиз бекоргами? Уруш даврида оиласи бағрига қайтмаган эркаклар, бир бора фарзандини, аёлини, севган ёрини кўришга муштоқ бўлган эркаклар армонда ўтиб кетганлар. Ҳозир тинчлик даври. Оиласини соғинган эркак қўлини узатса етгулик шароитлар мавжуд. Лекин нега эркаклар осонгина оиласидан, фарзандидан воз кечади. Яқинда тадбирда бир ҳуқуқшунос аёл шундай воқеани гапириб берганди: Бир бола онасига туғилган кунда мактабга бормаيمان, деб йиллабди. Онасига "Менинг туғилган кунимни йўқ деб ҳисоблангизлар", дебди. Ҳар

йили отасини лоақал туғилган кунда кириб келишини кутаркан. Сабабини сўраса "Урқоқларимдан уяламан, уларга дадам туғилган кунимда келадим", деб мақтанганман, деркан. Кейин ўша ҳуқуқшунос аёл болага мактуб ёзибди гўёки отасининг номидан, совға олибди, отанг бериб юборди, деб ёлгон гапирди. Аслида у эркак аллақачон бошқа оиласи билан эмиш. Мана отасига зор қандай болалар бор орамизда.

Хориж наشرларидан биринда яқинда ўқиб қолган воқеа мени ларзага солди. Мана ҳақиқий инсонийлик, мана ҳақиқий ота. "Арслон менинг ягона ўғлим. У менинг ягона фарзандим. Менинг бошқа болам йўқ. Ўғилчам Ўзбекистонда, мендан йироқда қолар экан, мен уни тарбия қила олмаيمان. У ўз оиласи, ўз отаси кимлигини билмай ўсади, чунки онаси менга уни кўришга рухсат бермапти". Тўрт яшар Арслон Франция ва Ўзбекистон ўртасида талаш бўляпти. Арслоннинг тақдирини икки давлатнинг энг юқори даражаси идоралари эътиборига тушган, мактублар алмашган, суд ишлари бўлиб ўтган, ўзбек ва француз қонунлари тўқнашган, аммо боланинг тақдирини мавҳум қолмоқда.

Хориж журналистининг сурриштируви, боланинг отаси тақдим қилган ҳужжатлар, унинг Франция ва Ўзбекистон ҳуқуқати билан ёзишмалари ҳамда хориж сайтининг Ўзбекистон ҳуқуқати билан олиб борган мулоқотларга асосланган мақолада таъкидланишича, франциялик мусиқашунос Силван Руа ўзбек мусиқаси ҳақидаги илмий иши учун 2013 ва 2014 йилларда етти-ойни Ўзбекистонда ўтказар экан, бу ерда тошкентлик Камилла Гайсина билан турмуш куради ва маълум муддатдан кейин ажрашади. Бола

Францияда туғилганига қарамай онаси уни Ўзбекистонга олиб кетиб қолади. Ана шундан бери унинг отаси – Силван Руа боласини қайтариб олиш учун ҳатто президентгача мурожаат қилади. Силван Руа ўғлини кўриш учун Ўзбекистонга бир неча марта келганига бурганини, лекин бунда қатор тўсиқларга дуч келганини айтади: "2018 йилнинг 29 августида Ўзбекистон маданият вазирилик мени франциялик этномусиқашунос сифатида Мақом фестивалида иштирок этишга таклиф қилди. Бу ўғлимни кўришим учун ажайиб имконият эди. Юнусободга келиб, Камилла яшаётган хонадон кўнғироғини босдим. У тушаман дедию тушмади. Унинг ўрнига Али исмли эркак тушди. У Исломий қондаларга кўра, мен унинг бўлгуси хотини билан учраша олмаслигини айтди. Ҳайрон бўлдим, у ҳалиям менинг хотиним эди-ку? У ўғлимни ҳам кўра олмаслигини айтди. Бу мен учун жуда огир эди. У эшикни тўсиб, киришимга қўймади ва мен ортга қайтдим. Икки кундан кейин участка нозирини бордим. Камилла ўшанда эшикни очишга қалити бўлмаганини рўкач қилди. Ичкарида эса боланинг йиллаётгани эшитиларди. Бу жуда огир эди мен учун. Сўнг, Камилла нотўғри иш қилганини аңгладим, билмадим, кечқурун соат 10да Шимолий вокзал қаршисига у билан 45 дақиқа учрашимга рухсат берди. Шу билан ўғлимга совғалар бериб, бағримга боса олдим. Йўқдан кўра, шунисига ҳам рози эдим", – дейди муҳбирга берган интервьюсида.

Силван Руа ўғли билан хотини Тошкентга кетиб қолганини эшитгач, бир неча кун овқат емайди, ухламайди. Уч йил бўлишига қарамай унинг хотираси билан яшайди, суратини доимо ёнида сақлайди, кўчада

унинг ёшидаги болаларни кўриб қолса ғамдан эзилади. Бу айрилиқ ҳаттоки саксон ёшли франциялик чол, яни бобонинг ҳам қаддини букади. Агар соғлиги панд бермай 11 соат самолётда учишига кўзи етганида неварасини албатта бориб кўришга розилигини, соғинганини айтади. Руа шажарамизни давом эттира оладиган ягона ўғил, болалигида, ўсиб улғаяётганда ёнида бўлсам, дея таъкидлайди бобоси.

Аммо ҳозирда ўғли билан ҳатто видео орқали суҳбатлашишга имкон берилмапти. Руа ўз боласи ёнида бўлиши учун унинг онаси Камилла Гайсинага ҳам Францияда яшашга ёрдам беришга тайёрман, деди ва Ўзбекистон президентиغا мурожаат қилди. Қаранг, нақадир олижаноблик. Ҳаттоки болани кўриб туриш учун унинг онасига Францияда шароит яратиб бермоқчи.

Шуларни мулоҳаза қилиб ўтирарканман, яна бир воқеа одамни ўйга солади. Ўзбекистонда оиласини ташлаб хорижга ишлашга кетган бир ҳамюртимиз у ёқда бошқа аёлга уйлланган хотинини икки боласи билан ташлаб оиласига қайтиб келибди. Наҳотки, оила қуриш ва ундан воз кечиш шунчалар осон бўлса. Бунга нима сабаб. Бунга, аввало, нотўғри тарбия, уйдаги муҳит, отанинг оилада ўрни йўқлиги сабаб. Оналар ўғилларига келинини бировнинг фарзанди, уни бахтли қилишинг керак, деб бирон марта айтармикан? Бундай одамларнинг оталари фарзандларига масъулият ва бурч тушунчасида ўзлари ўрнатган олганмиканлар? Ахир фарзандларимиз бизнинг нафақат ўргатганларимиз, балки юриштиришимиздан ҳам ўрнатган оладилар. Кўпинча оилавий жанжалларда ота-она томонидан ўғил олдига шундай шарт қўйилади: "Бизни десанг ажрашасан". Шундай пайтда ўйлайсан, наҳотки, дунёга келган боланинг қадри бўлмаса, наҳотки ота-оналарни ўзларининг бадин ва худбинона истаклари тўфайли неваралари отасиз ўсиши қизиқтирмаска?

Бирам беўхшов мақолимиз бор: "Бола белда, хотин йўлда". Мана шундай қарашлардан қутула олмас эканмиз, ҳали кўп бола етим бўлади, кўп аёл бева бўлади. Оила муқаддас деган тушунчалар оддий қийматсиз сўзга айланади. Оила муқаддас бўлмағач ота деган шарафли ном ҳам ўз қадрини йўқотди. Биз эса ҳар бир отанинг оилада ўз ўрни бўлишини истаймиз. Зеро, машхур ўқитувчи Шалва Амонашвили айтган гапни ҳар биримиз у каби ҳайқиргимиз келади: "Ота, шарафингизга эътибор беринг, чунки бу биз болаларга қолдирадиган энг қимматли меросдир!"

Барно СУЛТОНОВА,  
"Xabar" муҳбири

# “ХАВФСИЗ ШАҲАР”

## ИНТЕГРАЦИЯЛАШГАН ТИЗИМИ

### ёхуд кибержиноятчиларни нималар қизиқтиради?

Дунё тамаддунининг кейинги ривожини давлатлар томонидан амалга оширилаётган ислохотларнинг нечоғлиқ тўғри ва ўз вақтида ижросига боғлиқ. Биргина мисол, ҳозирги кунда пойтахт кўчаларида ўрнатилган видеокузатув мосламалари орқали бугунги кунда бир қатор очилмай қолган жиноятлар фош этилмоқда, ҳуқуқбузарликлар ҳолатини аниқлаш осонлашмоқда, энг муҳими аҳолига қулай имкониятлар яратилмоқда ва яратиб берилмоқда.

Президент бошчилигидаги ислохотларнинг кейинги ривожини олиб борилаётган ислохотлар самардорлигини янада ошириш ва уларнинг қўламдорлигини кенгайтириш олдимида турган энг муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Шунга кўра, ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан бир қатор ижобий ишларни амалга ошириш режалаштирилган, хусусан, Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда Тошкент шаҳрининг Шайхонтохур туманида жиноятчилик кўп қайд этилган ҳудудларга ҳамда аҳоли гавжум жойларда интеллектуал видеокузатув тизимини ташкил этиб, ушбу тажриба асосида Бухоро, Самарқанд, Шаҳрисабз, Хива, Термиз, Қўқон шаҳарларида “Хавфсиз шаҳар” интеграциялашган тизимни жорий этиш чораларини кўриш, ушбу тизимнинг техник имкониятларидан самарали фойдаланиш мақсадида манфаатдор вазирлик ва идоралар ходимларининг малакасини ошириш ҳамда қайта тайёрлаш бўйича махсус ўқув курсларини ташкил этиш режалаштирилмоқда.

Шу маънода, вазирлик ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳаси бўйича 2020 йилда қўйидаги долзарб вазифаларни бажаришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Германиянинг “ATLAS

International” компанияси билан ҳамкорликда Фарғона водийсида “Ўзбекистон Республикасида йўл ҳаракати қоидалари бузилишини фото-видео қайд (фиксация) қилишнинг автоматлаштирилган тизими” инвестицион лойиҳасини амалга ошириш орқали, бунда, Тошкент вилоятида 30та, Наманган ва Андижон вилоятларида 15тадан объектларга йўл ҳаракати қоидаларининг бузилишини фото-видео қайд қилиш бўйича 60 комплект қурилмаларни ўрнатиб, ишга тушириш, шунингдек, Тошкент шаҳрида тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этган ҳолда “Хавфсиз шаҳар” лойиҳасини босқичма-босқич амалга ошириш орқали лойиҳа доирасида маълумотларни қайта ишлаш марказининг дастурий таъминоти, сервер ҳамда захира электр манбаи қурилмаларини ўрнатиш ва соzлаш ишларини бажариш ва шу билан бирга, 120та чорраҳада йўл-ҳаракати қоидалари бузилишини аниқловчи фото-видео қайд қилиш ҳамда 500та ижтимоий объектларга 2000дан ортиқ видеокузатув қурилмаларини ўрнатиш режалаштирилган.

Мазкур олиб борилаётган ислохот натижасида мамлакатимизда нафақат йўл-ҳаракати қатнашчиларининг ўзаро муносабатлари орқали вужудга келадиган масалаларда шаффофлик йўлга қўйилади, балки фуқароларимизнинг давлат органларига бўлган ишончи янада ортади, аҳолини ўйлантираёт-

ган муаммоларнинг бир қисми ўз ечимини топади.

Аммо, ушбу ислохотларга энг катта путур етказадиган хавф бу киберҳужумдир. Айнан мана шу ҳужум натижада яратилган ва ишга туширилган тизимда маълум бир носозликлар вужудга келиши ва бунинг оқибатида нафақат ушбу тизим, балки аҳоли ҳам зарар кўриши эҳтимоли мавжуд.

Юқорида таъкидлаб ўтилган ислохотлар ривожини янада жадаллаштиришимиз учун айнан мана шу хавфнинг олдини олиш чоралари кўрилмоғи лозим. Биргина мисол, компьютер вируслари ёрдамида киберҳужумлар, товламачилик ва дўқпўписа (шантаж) қилиш замонавий дунёнинг деярли асосий таҳдидига айланиб қолмоқда. Бундай ҳужумлардан кўрилган зарарга биргина мисол, Россия 2,5 трлн. рубл зарар кўрган, 2020 йилда Сбербанк таъкидлашчи, Россия иқтисодиётининг 40 фоизи айнан мана шу ҳужум оқибатида зарар кўради ва бу 3,5–3,6 трлн. рублга етади.

Check Point Software Technologies компанияси Cyber Attack Trends: 2019 Mid-Year Report деб номланган ҳисоботи га асосан ҳозирги кунда бирон-бир технология киберҳужумдан тўлиқ ҳимояланмаган. Мобил қурилмаларга киберҳужумларнинг сони биргина 2019 йилда 2018 йилга нисбатан икки бараварга ортган, асосий ҳужумлар эса, таъминот занжирига, электрон почтага ёки пул ва хавфсизлик билан боғлиқ манбаларга қаратилганидан ҳам таҳмин қилишимиз мумкинки, бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган “Хавфсиз шаҳар” интеграциялашган тизимини ҳам киберҳужумлардан ҳимоя қилишнинг самарали усуллари ишлаб чиқиши мақсадга мувофиқ.

Ҳозирги кунда айнан мана шу тизимга киберҳужумларнинг таҳлили юритилмаслиги натижасида бу хавфнинг нечоғлиқ юқори эканлигини етарли тасаввур қилаолмаслигимиз мумкин, аммо Ernst & Young консалтинг фирмаси маълумотларига кўра, украиналик компанияларнинг 67 фоизи ўз фаолиятида киберҳужумлар тўғрисидаги маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилиш тизими йўқлигини тан олган. Мазкур ҳолатни янада аниқ тасаввур қиладиган бўлсак, Буюк Британиянинг “Mirror” нашрида ёзилишича, 2018 йил давомида давлатда 67 минг дон, кунига 183тадан мобил қурилмалар киберҳужум орқали ўғирланган.

Таҳлилларга асосан, кибержиноятчилар истаган бир тизимнинг қўйидаги ички маълумот-

ларига қизиқишади:

тизимнинг рўйхатдан ўтказилгани, унинг муаллифи, тизимга тааллуқли интеллектуал маълумотлар;

дастурий махсулот нархи, иш ҳақи даражаси, эълон қилинмаган ҳисоботлар;

тизимга алоқадор мижозлар ва шериклар тўғрисидаги маълумотлар;

тизимга алоқадор шахсларнинг шахсий маълумотлари, шу жумладан, паспорт маълумотлари, идентификация кодлари, логин ва пароллар, карта рақамлари.

Энди, республикаимизда яратилаётган “Хавфсиз шаҳар” интеграциялашган тизимга этибор қаратадиган бўлсак, мавжуд қонунчилигимиз бўйича юқоридаги маълумотлар ва тизим ҳимояланганлигини, аммо ушбу интеграциялашган тизимни ташкил қилишнинг асосий вазифалари ва йўналишлари белгиланмаганлигини, мавжуд камчилик ва хатоликлар қай тариқа бартараф этилиши, тизимни такомиллаштириш бўйича миллий стратегия ишлаб чиқилмаганлиги олиб борилаётган ислохотларни умумлаштирувчи ягона вазифаларнинг мавжуд эмаслигига гувоҳ бўлишимиз мумкин.

Тасаввур қилайлик, мазкур тизимга киберҳужум уюштирилди, мазкур ҳолатда ушбу тизимни амалга оширувчи мутахассислар олиб борилаётган ислохотларни умумлаштирувчи ягона вазифаларнинг мавжуд эмаслигига гувоҳ бўлишимиз мумкин. Ҳозирги шароитда техник томондан мутахассислар ахборот хавфсизлигига қўйилган талаблар асосида мазкур тизимнинг хавфсизлигини таъминлашга ҳаракат қилишлари мумкин, аммо ҳуқуқий томондан мазкур тизим тўлиқ ҳуқуқий ҳимояланмаганлиги боис, киберҳужумнинг олдини олиш, уни аниқлаш ва бартараф этишнинг тизимли ечими амалга ошмаслигига гувоҳ бўлишимиз мумкин. Масаланинг индалосини айтганда, ушбу тизимда киберҳужум ва унинг олдини олиш стратегияси ва йўналишларини белгилаш мақсадга мувофиқ.

**Рустам ХУРСАНОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги юридик бўлим бошлиғи, Амириддин АНОРБОВЕВ, вазирлик юридик бўлим бош юрисконсулти, Ўзбекистон Республикаси миллий гвардияси ҳарбий-техника институти мустақил изланувчиси



## 12 | АЛОҚА ОЛАМИДА

## КОРОНАВИРУС



## ХИТОЙДА КОРОНАВИРУСНИ АНИҚЛАШ УЧУН СУНЬИЙ ИНТЕЛЛЕКТДАН ФОЙДАЛАНИШ БОШЛАНДИ

Хитойда COVID-19 касаллигини аниқлаш учун сунъий интеллект технологиясига асосланган компьютер томографиясидан фойдаланиш бошланди, дейилади "Синхуа" хабарига.

"Вирусли пневмониялар турларининг тасвирлари жуда ўхшаш, бу эса медиқларнинг визуал текширув асосида ташхис қўйишларини оғирлаштириб юборади", — деди тадқиқотчилар раҳбари Сюй Бо.

Ишланма муаллифларига кўра, компьютер алгоритмлари янги коронавирусли пневмониянинг бошқа турларидан ажратиб олишда ёрдам беради.

"Кэцзи жибао" газетаси ёзишича, тизим Хитой саратонга қарши кураш уюшмаси ҳамда Тяньцзин шаҳридаги Миллий суперкомпьютер маркази ҳамкорлигида йўлга қўйилди. Айни пайтда тизим Тяньцзиндаги Миллий компьютер марказида синовдан ўтати. Эслатиб ўтамиз, Хитойнинг биринчи суперкомпьютери — Tianhe-1 шу марказ томонидан ишлаб чиқилган.

## 5G

## ЯПОНИЯДА 27 МАРТДАН АҚОЛИГА 5G ХИЗМАТЛАРИНИ КЎРСАТИШ БОШЛАНДИ

Японияда 2020 йилнинг март ойи охиридан бешинчи авлод алоқа тармоғидан фойдаланишга ўтилади, дейилади Argumenti.ru хабарига.

Softbank мобил алоқа оператори хабарига япон фуқаролари 2020 йилнинг 27 мартдан 5G га ўлашишлари мумкинлиги айтилади. Хизматнинг афзаллиги жуда юқори тезлиги — 25 Гб/сония.

Softbank мобил алоқа оператори кўпроқ мижоз тўплаш учун имтиёзлар тақдим этмоқда. Бунинг учун компанияга ариза ёзиш керак. Кимда-ким 30 августгача ариза топширишга улгурса, икки йил 5G хизматидан бепул фойдаланиш имкониятини қўлга киритади. "Экономика сегодня" ёзишича, стандарт абонетлик тўлови ойига — 1000 йена (90 минг сўм атрофида).

Янги авлод (5G) алоқа тармоғи хизматларини Японияда Softbank биринчи бўлиб ишга туширмоқда. Унинг ортидан бошқа компаниялар — NTT DoCoMo, KDDI ва Rakuten ҳам ўз хизматларини таклиф этиши кутилмоқда.



## АЙФОНОМАНИЯ

## ИРНОНЕНИНГ КЕЧИККАН "БАҲОРИ"

Узоқ вақт кутилган iPhone SE 2 (ёки iPhone 9) смартфонни тақдимоти қолдирилди. Cult of Mac нашрининг ёзишича, корпорациянинг Apple Park штаб-квартираси жойлашган Санта-Клара округида мингдан ортиқ киши иштирокидаги тадбирларнинг ўтказилиши тақиқланган. Ушбу чеклов жорий йилнинг 11 мартдан то 1 апрелигача давом этади; Аррленинг баҳорги тақдимоти эса айни шу муддат оралиғида белгиланган эди.

Мазкур чеклов ҳозирда глобал ваҳима уйғотаётган коронавирус касаллиги туфайли жорий этилган. Бундан ташқари, Apple қурилмалари учун бутловчи қисмлар етказиб берувчи асосий корхоналар Хитойда жойлашгани ва у ерларда карантин жорий этилганлиги боис ҳам iPhone 9 борасидаги режалар ўзгармоқда.

Шу каби бир қатор омиллар туфайли Аррленинг бу йилги баҳор анжумани кечикадиган кўринади. Эҳтимол, компания янги маҳсулотлари тақдимотини онлайн форматда ўтказиб қўяверар. Зеро, кейинги пайтларда аксарият ишлаб чиқарувчилар шу йўлни туташмоқда.

iPhone SE 2 моделининг бозорга қачон тақдим этилиши ҳам энди сўроқ остида. Баҳорги конференциясида Apple яна бир қатор маҳсулотларини ҳам намойиш қилмоқчи эди, кутайлик-чи.



## БИЗНЕС

## БИРЖАЛАР ҚУЛАШИ АЛИВАБА АСОСЧИСИНИ ОСИЁНИНГ ЭНГ БОЙ ИНСОНИГА АЙЛАНТИРДИ

Хитойнинг Alibaba компанияси асосчиси Жек Ма Осийнинг энг бой инсонига айланди. У Ҳиндистоннинг Reliance Industries холдинги соҳиби Мукеш Амбанини ортда қолдирди, деб ёзмоқда Bloomberg.

Хитойлик миллиардернинг бойлиги 44,5 млрд. долларга баҳоланмоқда, энди у дунёнинг энг бойлари рейтингига 18-ўринда.

Утган суткада 5,8 млрд. доллар зарар кўрган Амбанининг бойлиги энди 41,8 млрд. долларга тенг.

Жек Ма мобил иловаларга талаб ошгани сабабли ҳамда маълумотларга булутли технологиялар ёрдамида ишлов бериш хизматлари орқали айни инқироздан қўрилган зарарни қоплай олди.

Эслатиб ўтамиз, нефт нархлари тушиб кетиши оқибатида АҚШ ортидан Осийдаги фонд биржаларида ҳам қулаш юз берганди.

## СМАРТФОНЛАР

## ЭНГ ЯХШИ СМАРТФОНЛАР — ФОЙДАЛАНУВЧИЛАР ЎЗ ТЕЛЕФОНЛАРИГА БАҲО БЕРИШДИ

AnTuTuning навбатдаги рейтинг фойдаланувчилар ўзлари ишлатаётган андроид-смартфонларга берган баҳога қараб тузилди — энг кўп ижобий муносабат билдирилган қурилмалардан ТОП-10 рўйхати тузилди.

Диққатга сазовор жиҳати, бир пайтлар анчайин оммалашган, аммо ҳозир ишлари унча юришмаётган Meizu брендининг бир йўла учта қурилмаси кучли ўнликка кирди.

Фойдаланувчилар рейтингига биринчи ўринни

## 2020年2月安兔兔Android手机好评榜TOP 10

Rank	Model	Percentage
1	华为Mate 30 5G	97.35%
2	三星Note10+ 5G	96.29%
3	NEX 3 5G	95.96%
4	小米10 Pro	95.85%
5	魅族16th	95.71%
6	魅族16th Plus	95.31%
7	魅族16s Pro	95.19%
8	一加8T Pro	94.23%
9	三星S10+	93.98%
10	Vivo IQOO Pro 5G	93.57%

Huawei Mate 30 5G флагман смартфонни эгаллади — уни сотиб олиб ишлатаётганларнинг 97,35% фойдасини ушбу қурилма тўлиқ қаноатлантиради. Бу смартфон уч ойдан бери рейтинг етакчиси.

Иккинчи ўринда — Samsung Galaxy Note 10+ 5G — 96,29% фойда фойдаланувчилар ундан рози.

Учинчи ўринда — Vivo NEX 3 5G, яқинда чиқарилган Xiaomi Mi 10 Pro флагмани эса тўртинчи ўринда: ҳар икки смартфоннинг "рейтинг очколари" деярли бир хил: тегишли равишда 95,96 ва 95,85 фойздан.

Meizu компаниясининг 16th, 16th Plus ва 16s Pro смартфонлари бешинчи, олтинчи ва еттинчи поғоналарни банд этди. Ўз-ўзидан аён бўлаптики, шунча танқидларга қарамасдан, айнан Meizu бошқа компанияларга нисбатан ўз фойдаланувчиларини мамнун эта олган.

OnePlus 7 Pro, Samsung Galaxy S10+ ҳамда Vivo IQOO Pro 5G — кучли ўнликнинг охирида.

## СУПЕРКОМПЮТЕРЛАР

## ЭНГ КУЧЛИ СУПЕРКОМПЮТЕР ЯРАТИЛДИ — EL CAPITAN

АҚШда дунёдаги энг кучли суперкомпьютер — El Capitan яратилди. Бу ҳақда Businesswire хабар берди.

Суперкомпьютер АҚШ Энергетика вазирлиги бю-юртмаси асосида Hewlett Packard ва AMD компаниялари томонидан тайёрланди.

El Capitan бир сонияда 2 000 000 000 000 000 (миллион триллион)гача ҳисоблашни амалга ошира олади. Солиштириш учун: бу суперкомпьютернинг ҳисоблаш қуввати Ўзидан кейинги ўринларда турувчи 200 та суперкомпьютернинг жами қувватига тенг.



2023 йилдан тўлақонли ишга тушириладиган El Capitanдан ядровий қуруллар, иқлим, генлар мутацияси, доридармонлар ишлаб чиқариш соҳаларидаги мураккаб ҳисоблашларда фойдаланиш кўзда тутилган.

El Capitan Zen 4 архитектурасига қурилган AMD процессорларида ишлайди (бу процессорлар 2021 йилдан сотувга чиқди).

Саҳифани С.ТЕМИРОВ тайёрлади.

# Эрдоған Путинга: Сурияни биргаликда оёққа турғизайлик

Туркия президенти Ражаб Тоййиб Эрдоған россиялик ҳамкасби Владимир Путинга Суриянинг Дайр аз-Зор шаҳридаги нефт захираларини биргаликда назорат қилишни таклиф қилди. Бу ҳақда Президент маҳаллий MTV телеканалига берган интервьюсида маълум қилди.



мурожаат қилиш билан таҳдид қилди. Россия ҳам АҚШнинг қарорини қоралади. Ташқи ишлар вазирлиги вакили Мария Захарова таъкидлашча, америкаликлар санкцияларни четлаб ўтиб, ойига 30 миллион доллардан ортиқ миқдордаги нефт контрабанда-си қилган. Ташқи ишлар вазирининг Уринбосари Сергей Вершинин, шунингдек, Россия Сурия нефти масаласида АҚШ билан ишлаласлигини айтди.

“Мен Путинга қуйдагиларни таклиф қилдим: вайрон қилинган Сурия-ни шу ердан олинадиган нефт ёрдамида оёққа турғизайлик. Туркия лойиҳани амалга ошириш ишларини олиб боради, Россия эса молиявий томонини”, – деди Эрдоған. Унинг сўзларига қўра, агар томонлар келиша олса, у АҚШ президенти Доналд Трампга ҳам шунга ўхшаш таклиф билан чиқади. Вашингтонда ҳам, Москвада ҳам Сурия нефти учун режалар мавжуд.

Путин таклифга “булиши мумкин” деб жавоб қайтарди, дея таъкидлаб ўтди Эрдоған. Унинг сўзларига қўра, ҳозирда у худуддан террорчилар фойдаланяпти ва улар фақатгина хомашёнинг ўзинигина ишлатмоқда. “Агар у сотиб олинса ва қайта ишланса, бизда Сурияни қайта тиклаш имконияти пайдо бўлади”, – деди президент.

Ноябрда “Анадолу турк” агентлиги АҚШ Дайр аз-Зордаги нефт кони яқинида иккита ҳарбий база қураётганини маълум қилган эди. Агентлик маълумотларига қўра, битта база АҚШ армиясининг 113-бригадаси жойлаштирилган худудда, бошқаси Ас-Сур қишлоғида жойлашган худудда қури-ла бошланди. У ерга 300га яқин ҳарбий хизматчилар юборилди, улар қурилиш ва зирҳли транспорт воситалари, оғир қурол ва ўқ-дориларни топширдилар. Associated Press хабар берганидек, Трамп Дайр аз-Зордан Ал-Хасакийгача курдлар назорати остидаги конларнинг хавфсизлигини таъминлаш учун АҚШ ҳарбий миссиясини тасдиқлади. Америка президенти таъкидлашча, Сурия нефтини назорат қилиш АҚШнинг асосий мақсади.

Дамашқ Вашингтонни Сурия нефтини ўғирлашда айблаб, халқаро судга

## Нидерландия шафқатсизликлар учун Индонезиядан узр сўради

Еuronews хабарига қўра, Нидерландия қироли Виллем-Александр сешанба куни пойтахт Жакартада Индонезия президенти Жоко Видодо билан учрашган ва Индонезия халқига нисбатан мустақиллик учун кураши пайтида ўта шафқатсизлик қилингани учун узр сўраган.



“Мен ўша йилларда Нидерландия томонидан ҳаддан ташқари зўравонлик қилингани учун афсус билдираман ва узр сўрайман. Буни айтар эканман, жабрдийдаларнинг оғриқ ва алами бугунги кунда ҳам сезилётганини биламан...”, – деди Виллем-Александр.

2013 йилда Нидерландия ҳукумати мустақиллик уруши пайтида оммавий қирғинлар учун кечирим сўраган ва қурбонларнинг беваларига компенсация тўлашга ваъда берганди.

Эслатиб ўтамиз, 1945 йилда япон оккупацияси туғадан кейин Индонезия ўз мустақиллигини эълон қилган, бироқ унинг метрополияси бўлмиш Нидерландия бунга рози бўлмаган эди. Икки ўртада келиб чиққан уруш 1949 йилда Амстердамнинг Жакарта суверенитетини тан олиши билан якунланган.

## Коронавирус киноюлдузни ҳам четлаб ўтмади

Америкалик киноактёр Том Хэнкс ва унинг рафиқаси Рита Уилсон коронавирус билан касалланди. Бу ҳақда актёрнинг ўзи “Твиттер”даги саҳифасида эъиб қолдирган.

Унинг айтишича, эр-хотин Австралияда бўлганида соғлиғида муаммолар борлигини сезган. Касаллик аломатлари эса коронавирусга ўхшаб кетарди. Юлдузли жуфтлиқ таваккал қилмаган ва тиббий кўриқдан ўтган. Натижада Хэнкслар оиласида корона-вирус аниқланди. Энди улар лозим бўлган даволаниш ва карантин ҳолатидан ўтиши лозим.

Айни вақтда Австралияда 128 киши коронавирусга учрагани айтилмоқда. Улардан уч киши вафот этган.

Эслатиб ўтамиз, кеча, 11 март санасида Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти COVID-19 коронавирусини бир неча давлатга тарқалган пандемия сифатида тан олди. Охириги маълумотларга қараганда, бутун дунё бўйлаб касалликка учраганлар сони 120 мингдан ошиб кетди. Улардан 4,3 мингдан ошиги вафот этган.



## Британияда Назарбоев оиласига тегишли ҳашаматли уйлар хатланди

Британия расмийлари Қозоғистоннинг собиқ президенти Нурсултон Назарбоевнинг қизи ва набирасининг мулкларини ҳибсга олди. Таъкидланганидек, Назарбоевнинг қизи – Қозоғистон Сенати спикери Дарига Назарбоева, унинг катта ўғли Нурали Алиев ҳамда рафиқаси Аида Лондонда 100 миллион доллардан ортиқ пулга квартиралар ва уйларни сотиб олишган.

Маълумотларга қўра, ушбу мулклар учта оффшорга расмийлаштирилган, жумладан, Антил ороллари, Панама ва Британиянинг Англия худуди. Булар орасида Бишопс-авеню хиёбонида жойлашган сарой, Хайтгейт туманидаги уй ва Челси худудидаги ҳашаматли квартира ҳам бор.

Буюк Британия расмийлари Назарбоевнинг мулкни ҳуқуқ-тартибот идоралари талабига биноан 2019 йилнинг баҳорда ҳибсга олишди. Лондон Олий судининг судяси маълумотни оммага ошқор қилишга рухсат берди.



## Қирғизистонда доллар кескин равишда кўтарилиб кетди

Қирғизистон банк ва валюта айирбошлаш шохобчаларида доллар 73 қирғиз сомидан сотилмоқда. Дунёда нефт нархи пасайишидан сўнг валюта бозоридagi тебранишлар бошланди. 9 март куни рубл курси пасайишни бошлади ва рубл 94-96 қирғиз сомидан олинган.

6 мартда ОПЕК + давлатлари ишлаб чиқаришни қисқартириш ёки уни узайтириш битим параметрларини ўзгартириш тўғрисида ҳам келиша олмадилар. Натижада, 1 апрелдан бошлаб уюшмага аъзо мамлакатларда нефт қазиб олиш бўйича чекловлар олиб ташланди. Дам олиш кунлари Саудия Арабистони ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва нефтга чегирмалар беришни режалаштираётгани ҳақида хабарлар тарқалган. Ушбу янгилик нефт бозорида нархларининг 30 фоизгача қулашига сабаб бўлди.



У.ИУЛДОШЕВ тайёрлади

**М**алини Темби Пунадаги "Грин филд" мактабига муаллима бўлиб келган пайтда йигирма бешинчи ёзини қарши олган эди. Айни пайтда бу ёз Дипак Праданга ўн олти ёшни тухфа этганди. Муаллима мактабга қадам қўйиши биланоқ болалар уни табрикномалар ва пушти гулларга кўмиб ташлашди. Қиз шунга муносиб: жуда гўзал эди. Ҳаммининг назарида, у жазирама июлда майин бир шаббодадай бўлиб кириб келганди. Йилнинг айнан шу кунларида об-ҳаво галати бўларди: на иссиқ, на совуқ. Малини бу ерга келгандан сўнг гўё ҳамма нарса ўз изига тушгандек бўлди.

Дарснинг биринчи кунини Малини ўз исми-шарифини доскага ёзгандан кейин синф негадир ёришиб кетгандек бўлди. Бу пайтда Дипак кўлидаги бир парча қоғозни жимжаб, кимларгадир отиш билан банд эди. Дарсдан сўнг ҳамма кетгач эса негадир кўлига артиччи олди-да, доскани ёғ ялагудек қилиб тозалади.

– Нима қилясан? – сўради Темби хоним столидан туриб, болага ўгирилди экан. У доскадаги машқларни ҳали текшириб бўлмаганди.

– Доскада бўш жой қолмапти, ёрдам бериш учун артиб қўйдим. Лекин кейин сиздан сўрамаганим ёдимга тушди...

– Менимча, бир сафар сени кечирамиз, – деди у қулиб.

Эртасига Дипак йўлни кесиб ўтиб, ўқитувчиси яшайдиган уйнинг қаршисидан чиқди. Темби хоним эндигина эшикдан чиқётган экан.

– Мен шу ерданман, – деди бола.

– Қандай яхши, – деди ўқитувчиси ҳам. – Кутилмаган ташриф бўлди.

– Китобларингизни кўтаришиб юборсам малими?

– Албатта. Раҳмат, Дипак.

Улар бир неча дақиқа индамай боришди. Қиз унга мулоимлик билан назар ташлар ва боланинг хурсандлигидан ўзи ҳам жилмаярди. Улар мактаб биносига етиб келишгач, бола унга ўгирилди.

– Яхшиси, шу ерда ажраламиз. Бошқа ўқувчилар нотўғри тушуниши мумкин.

– Шундай деб ўйлайсанми?

– Ахир мен ўқувчингиз, сиз эса ўқитувчимсиз-ку, – деди Дипак чин дилдан куйиниб.

– Дипак... Бундай ўйлама.

Малини йўлида давом этди.

Бир неча ҳафта улар дарс пайти гаплашмадилар. Бола ҳар кун дарс тугагач, қиз ёзув-чизув ишлари билан банд пайтда индамай доскани тозалар эди. Баъзан бу сукунат кечки соат бешгача чўзилар, қиз ишларини тугатгач, Дипакнинг бир четда жимгина кутиб ўтирганга гувоҳ бўларди.

– Уйга қайтадиган вақт бўлди, – дерди Темби хоним. Шундан кейин бола дарров ўқитувчисининг сумкасини кўтариб оларди. Улар кенг дала бўйлаб кетишар ва турли мавзуларда гаплашардилар.

– Катта бўлганимда ким бўлмоқчисан, Дипак? – сўради ўша кунини хоним.

– Ҳаво кучлари учувчиси. Мен осмоннинг энг баланд нуқтасига чиқмоқчиман ва чиройли табиатни ўша ердан туриб кузатмоқчиман, худди қушлар каби.

– О, мақсадинг юксак экан.

– Биламан, шунинг учун қаттиқ ҳаракат қилаяман, – кейин бола бир зум ўйланиб қолди. – Бир илтимосимга хўп дейсизми?

– Ҳа, нима экан у?

– Мен ҳар яқшанба Марказий хиёбондаги ажойиб кўлга бораман, у уйингизнинг ёнида. Кўлда бир гала ўрдагу балиқлар бор. Балки сиз ҳам менга шерик бўласиз?

– Кечир, бироқ яқшанбада мен банд бўламан.

– Барибир, кутаман.

– Таклифинг учун раҳмат.

– Сизни хафа қилиб қўймадимми?

– Албатта йўқ, Дипак. Нима сўрасанг ҳам ҳаққинг бор.

Бир неча кундан кейин Темби хоним болага "Ёзинг тунги орзулари" номли китоб берди. Дипак уни туни билан ўқиб чиқар, сўнгра иккиси китоб ҳақида узоқ суҳбатлашарди. Дипак қиз билан кунора кўришарди. Малини эса унга доим "бошқа ёнимга келма", демоқчи бўлар, бироқ бу иш қўлидан келмасди. Бола қиздан мактабга кетиш ва қайтиш чоғи Шекспир, Тагор ва Киплинг ҳақида сўрашни ёқтирарди. Суҳбат чоғи қиз унга қарамасликка ҳаракат қиларди. Бироқ бир кун дарсдан сўнг бола доимгидек артиччи кўлига олиб, доскани

ҳақсала билан артаётган пайтда Малини ундан кўзларини ололмай бир дам тикилиб қолди...

Яқшанба кунини Дипак кўл бўйида балиқ тутиб ўтирганди. Бирдан хонимнинг у томон келаётганини кўриб ўрнидан турди.

– Мен шу ерданман, – қулди қиз.

– Келганингиз учун раҳмат. Жуда хурсандман.

– Менга балиқларни кўрсат.

Улар кўл бўйида ўтиришди. Енгил шабада қизнинг сочлари ва сарисини ўйноқлаб, бола томон ҳилпиратиб учирар эди. Дипак унинг ёнидан бир неча қадам нарига сурилди.

– Балиқ тутиш шунчалик завқли эканлигини билмаган эканман! – деди қиз.

– Келганингиздан шунчалик бахтлиман-ки...

Ниҳоят, кўл бўйида Малини Темби ва Дипак Прадан учрашишганди. Улар соатлаб осмонга тикилиб ўтиришди, Киплингнинг ўқиши ва балиқ тутиши.

Душанба кунини эрталаб Дипак қизнинг уйдан чиқишини узоқ пойлади, лекин хоним аллақачон бир ўзи мактабга кетганди. Дарс пайти эса "бошим оғрияпти", деб вақтли жўнади. Лекин сешанба кунини улар дарсдан сўнг яна бирга қолишди. Дипак доимгидек доскани тозалар, қиз эса дафтарларини текширарди. Ниҳоят, соат бешни кўрсатиб бонг урди.

– Дипак, ёнимга ўтир, – қиз уни чақирди.

– Ҳа, хоним, – Дипак артиччи жойига илди.

Малини ўйга чўмиб йигитга тикилди.

– Дипак, сен билан нима ҳақда гаплашмоқчилигимни сезгандирсан.

– Ҳа... мен ҳақимдами?

– Ёшинг нечада, Дипак?

– Ўн олтида. Яқинда ўн еттига тўламан.

– Мен неча ёшдалигимни биларсан?

– Ҳа, йигирма беш. Мен ҳам тўққиз йилдан сўнг йигирма бешга тўламан. Хоним, буни айтишим керакми, йўқми, лекин ўзимни худди сиз билан тенгдошдек сезаман...

– Ҳа, баъзан буни эплайсан ҳам.

– Мени кечиринг...

– Гапимни эшит. Орамизда нима бўлаётганини тушунишим мен учун жуда муҳим. Аввало, биз фақат дўст эканлигимизни айтиб ўтай. Менинг ҳеч қачон сендек ўқувчим, умуман, сен каби инсоним



Анил ЧАНДРА,  
ҳинд адаби

бўлмаган.

Йигит бу гапдан қизарди. Қиз ўрнидан турди.

– Балки сенинг ҳаётингда ҳам ҳали мен каби ўқитувчи бўлмагандир?

– Сиз жуда ажойиб инсонсиз. Жудаям, жудаям яхшисиз, хоним.

– Бу ҳақда кўп бош қотирдим, Дипак. Туйғуларимни писанд қилмаяпти, деб ўйлама. Сен оддий йигит эмассан. Бизнинг бетакрор, ёқимли кунларимиз бирга ўтди. Лекин бу хато эди...

– Мен тўққиз ёш катта ва ўн беш сантиметр баландроқ бўлганимда ҳаммаси яхшилиқ билан тугармиди?

– Эҳтимол. Бироқ ундай эмас-ку. Биз одамлар бир-бирининг ёши ва кўринишига қараб муомала қиладиган дунёда яшаймиз, Дипак. Баъзан инсонлар ўзлари истаган ишга қўл уролмайдилар. Негалигини тушунтириб беролмайман.

– Нима қилишимиз керак, унда?

– Ҳеч нима. Мени бошқа мактабга ўтказишларини сўраб кўраман.

– Бундай қилишингизга ҳожат йўқ, – деди йигит. – Биз кўчяғмиз. Оилам билан.

– Бунинг менга алоқаси йўқми?

– Йўқ, йўқ, отам шунчаки Мумбайдан иш топибди. Бу ердан 150 километр узоқда, холос. Кўришиб турсак бўладимми?

– Ҳа, лекин бундан нима фойда?

– Бефойда, ҳа, бефойда... Синфда узоқ жимлик чўқди.

– Нега бундай бўлди, ўзи? – деди йигит маҳзун.

– Билмадим. Ҳеч ким билмаса керак. Минг йилдан сўнг ҳам бунинг сабабини биллолмайдилар.

Улар бир-бирларига қарадилар. Вақт ўтиб борарди.

– Бир нарсани ҳеч қачон унутма, – деди ниҳоят қиз. – Ҳаёт кутилмаган совғаларга бой. Дардингга даво бўлувчи инсонни ҳали учратасан. Яратган неки дард берса, давосини ҳам беради. Менга ишонсанми?

– Ишонини истайман... Сизни сира унутмайман.

Қиз ўрнидан туриб доскани арта бошлади.

– Сизга ёрдам бераман.

– Йўқ, йўқ, уйингга борақол...

Йигит мактабни тарк этди. Ортига қараб, деразадан хонимнинг ҳали ҳам доска тозалаётганига гувоҳ бўлди.

Дипакларнинг оиласи кейинги ҳафтада шаҳардан кўчиб кетди. Шу билан Дипак йигирма икки йил бу ерга қадам босмади. Ўттиз тўққиз ёшда уларангандан сўнг, ниҳоят, Пунага келишга аҳд қилди. Баҳор кунларининг бирида у машинасини Пуна томон бурди ва бу ерда бир кун қолишни режалаштирди.

Дипак рафиқасини меҳмонхонада қолдириб, шаҳарчани бир ўзи сайр қилди ва юрак ютиб, Малини Темби ҳақида сўради.

– Э, ҳа, бечора ўқитувчи. У 1952 йили вафот этди, сен кетганингдан бир йил ўтгач, – деди кекса ўқитувчи.

– У... турмушга чиққанмиди?

– Йўқ, чиқмади. Улимидан олдинги оилар жуда ғамгин ва бахтсиз кўринганди.

Эртаси кун одамлар Дипакнинг хотинини кўришганини айтишди. У худди июлнинг майин шаббодаси каби гўзал экан. Шу кунларда ҳаво тушунарсиз эди: на совуқ дейсиз, на иссиқ. Дипакнинг рафиқаси келгач, гўё ҳамма нарса изига тушгандек туюлди...

Рус тилидан  
Нодирабегим ИБРОҲИМОВА  
таржимаси

## ЁЗНИНГ МАЙИН ШАББОДАСИ

**“Дипакларнинг оиласи кейинги ҳафтада шаҳардан кўчиб кетди. Шу билан Дипак йигирма икки йил бу ерга қадам босмади. Ўттиз тўққиз ёшда уларангандан сўнг, ниҳоят, Пунага келишга аҳд қилди. Баҳор кунларининг бирида у машинасини Пуна томон бурди ва бу ерда бир кун қолишни режалаштирди.”**

➔ САЙЁР ҚАБУЛ

# “МЕҲРЖОН” ЛИКЛАР БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ МУЛОҚОТ

Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси ҳамда вазирлик тизимидаги корхона ва ташкилот раҳбарлари, мутахассисларидан иборат ишчи гуруҳ халқ билан юзма-юз мулоқот қилиш, уларнинг муаммоларини ўрганиш ва ечимини топиш мақсадида Тошкент шаҳри маҳаллаларидаги сайёр қабулларни давом эттиришмоқда. Навбатдаги сайёр қабул Чилонзор туманининг “Меҳржон” маҳалласида ташкил этилди.



Сайёр қабулда “UZDIGITAL TV” МЧЖ ҳудудий офислар билан ишлаш бўйича катта оператори Ж.Юлдашев сўзга чиқиб, бугунги кунда Тошкент шаҳрида жами тўртта со-тут ва абонентларга хизмат кўрсатиш бўлимлари, шунингдек, хизматларга уланишда қулайлик яратиш мақсадида шаҳар бўйлаб кўплаб дистрибуторлик тармоқлари фаолияти ташкил этилганлигини гапириб ўтди. У МЧЖ аҳоли, корхона ва


ташкilotларга абонент тўлови эвазига юқори сифатли рақамли телевидение хизматлари кўрсатиб келатганини таъкидлаб, Абонентларни техник қўллаб-қувватлаш хизмати (Call-марказ) томонидан ҳафтада 7 кун, 24 соат давомида фойдаланувчиларнинг рақамли телевидение хизматлари ҳақидаги саволларига жавоб берилиши бўйича маълумотлар бериб ўтди.

Шундан сўнг “Меҳржон” МФЙ фаолларининг симли алоқа, рақамли телевидение билан қамраб олиш, юқори тезликдаги интернет хизматларини кўрсатиш юзасидан мурожаатлари атрофлича ўрганилиб, уларнинг аксарияти жойида ижобий ҳал этилди. Вақт талаб қиладиган мурожаатлар юзасидан пойтахт алоқа корхона ва ташкилот раҳбарлари ҳамда мобил алоқа компанияларига тегишли топшириқлар берилди.

Шу кунги ишчи гуруҳ ушбу ҳудудда жойлашган кўп қаватли уйларда ҳам бўлишиб, фуқароларнинг саволларига жавоблар беришди. Юзма-юз учрашувлар якунида аҳолининг талаб ва тақлифлари бўйича келгуси режалар белгилаб олинди.

**АКТ вазирлигининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси**

➔ ЭЪЛОНЛАР



## МУҲАММАД АЛ-ХОРАЗМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ ҚУЙИДАГИ ЛАВОЗИМЛАРГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

**Доцентлар:**

“Олий математика” кафедраси – 1, “Информатика асослари” кафедраси – 1.

**Катта ўқитувчилар:**

“АКТ соҳасида иқтисодиёт” кафедраси – 1, “Гуманитар фанлар” кафедраси – 1, “Тизимли дастурлаш асослари” кафедраси – 1.

**Ассистент (ўқитувчи)лар:**

“Чет тиллари” кафедраси – 1, “Ахборот технологиялари” кафедраси – 1, “Ахборот технологияларининг дастурий таъминоти” кафедраси – 1, “Олий математика” кафедраси – 1, “Тизимли дастурлаш асослари” кафедраси – 1, “Телекоммуникация инжиниринги” кафедраси – 1, “Телекоммуникацияда бошқарув тизимларининг аппарат ва дастурий таъминоти” кафедраси – 1.

*Аризалар эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ой ичида қабул қилинади. Танловда кўрсатилган лавозимлар бўйича фан докторлари, доцентлар, фан номзодлари ва соҳанинг етук мутахассислари қатнашишлари мумкин.*

**Манзил: Тошкент шаҳри, Амир Темуր кўчаси, 108-уй. Тел: 71-238-64-06.**

**Ўтганларнинг охирати обод бўлсин**

Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги жамоаси соҳа фахрийси, АКТни ривожлантириш жамғармаси собиқ директори

**Бахтияр ТАХИРОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг яқинлари ва оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Қашқадарё вилояти ҳудудий бошқармаси жамоаси фахрий алоқачи **Бахтиёр АВЛИЁКУЛОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ҳамдардлик билдиради.

“OYBEK NURLI YULDUZ” МЧЖга тегишли юмалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**



➔ НАЗОРАТ

# ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ОЛДИНИ ОЛИШ БОРАСИДА ҲАМКОРЛИК КЎЛАМИ КЕНГАЙМОҚДА

“Ўзкомназорат” давлат инспекцияси ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги “Алоқа, ахборотлаштириш, телекоммуникация технологиялари ва даврий босма нашрларни тарқатиш соҳасида ҳамкорликда ишлаш тўғрисида” қўшма қарор имзолади. Қарор билан икки давлат органи ўртасида ҳамкорликдаги фаолиятни ташкиллаштириш тўғрисида низом ҳам тасдиқланган.

Унга кўра, вазирлик ҳамда давлат инспекцияси куйидаги йўналишларда ҳамкорликни амалга оширади:

- фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш ҳамда лицензияланадиган фаолиятни назорат қилиш;
- норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, техник регламентлар, стандартлар, нормалар, қоидалар ва бошқа норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш;
- жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш;
- соҳага оид қонун ҳужжатлари, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, техник регламентлар, стандартлар, нормалар, қоидалар ва бошқа норматив ҳужжатлар талаблари бузилишининг олдини олиш;

- кўрсатилаётган хизматлар сифатини мониторинг қилиш ва ўрганиш;

- ахборот-коммуникация технологиялари, “Электрон ҳукумат” ҳамда ахборот хавфсизлиги йўналишидаги масалалар бўйича тегишли ишларни амалга ошириш;

- фаолият йўналишлари бўйича маълумотлар алмашиш;

- ходимларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш.

Юқорида қайд этилган зарур йўналишлар асосида “Ўзкомназорат” давлат инспекцияси ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ўртасида маълумотлар алмашишуви, ўрганишлар, мониторинглар ўтказилади. Шунингдек, оператор ва провайдерларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда, уларнинг фаолиятига давлат органлари ва ҳўжалик юритувчи субъектларнинг аралашуви ҳолатларини кўриб чиқиш, муаммоларнинг ечими юзасидан ҳам ҳамкорлик қилинади.

“Ўзкомназорат” давлат инспекцияси оператор ва провайдерларнинг телекоммуникация линиялари ва иш-шоотларини кўчириш бўйича давлат органлари ва ҳўжалик субъектларининг талаблари асосланлигини объектив баҳолашда иштирок этади ва тегишли маълумотларни вазирликка бериб боради.

“Ўзкомназорат” давлат инспекцияси ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида давлат назоратини амалга оширишда “Ўзбекистон почтаси” АЖ, “Матбуот тарқатувчи” АК, “Радиоалоқа, радиозиттириш ва телевидение маркази” ДУК, “UNICOM.UZ” ДУК билан ҳам алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳаси йўналишлари бўйича ҳамкорлик келишувлари имзолаган.

Ушбу келишувлар доирасида “Ўзкомназорат” давлат инспекцияси томонидан ҳўжалик юритувчи субъектларнинг фаолияти мониторинг қилинади, ўрганилади. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш ва уларга ижобий ечим топиш масалаларини ҳал этишда ҳам икки томонлама ҳамкорлик амалга оширилади. Имзоланган келишувлар доирасидаги ўрганишлар бошланган.

АКТнинг жорий этилганлик ҳолатини таҳлил этиш, мониторинг қилиш, ўрганиш ва текширишларда, шунингдек, “Электрон ҳукумат” лойиҳаларини амалга ошириш йўналиши бўйича давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари билан ҳам ҳамкорлик амалга оширилади. Семинарлар, ўрганишлар ва профилактика тадбирлари йил давомида ўтказиб борилади.

**“Ўзкомназорат” давлат инспекцияси ахборот хизмати**

16 | МАСЛАХАТ

ТАДҚИҚОТ

Бутун дунёда энг оммабон ҳисобланган WhatsApp мессенжери фойдаланувчилари яқинда 2 миллиарддан ошди. Сервис вакиллари фойдаланувчилари сафини янада кенгайтириш учун кўплаб қўлайликлар жорий этишни давом эттирган ҳолда, аккаунтни максимал даражада махфий қилиш ҳамда ҳимоялаш учун керакли маслаҳатларни ҳам эслатиб ўтишни лозим топиди.



**махфийлик ва БЕШ ҚАДАМ хавфсизлигингиз учун**

**1. Икки босқичли идентификацияни фаоллаштиринг.**

Одатда ўз аккаунтингизга киришингиз учун SMS-хабар орқали шахсингизни тасдиқлашингиз лозим. Лекин гараз ниятли кимсалар сизнинг телефонингизни қўлга киритишлари эҳтимоли ҳам мавжуд. Шундай ҳолатларда WhatsApp-аккаунтингизни ҳимоялаш мақсадида қўшимча код-парол тайинлаб қўйганингиз маъқул — кейин ҳар гал уни термагунча мессенжердаги профилингизга кириб бўлмайд.

Мазкур функцияни фаоллаштириш учун "Настройки"ни очиб, "Учётная запись"ни, кейин эса "Двухфакторная проверка"ни танлайсиз. Шу ерда 6 хонали парол тайинлайсиз, ҳар эҳтимолга қарши, уни унутиб қўйсангиз тиклаб олиш учун email манзилингизни ҳам киритасиз.

**2. Аккаунтингизни махфий қилинг.**

Кўпчилик билмайдики, WhatsApp мессенжерда ўзингиз ҳақингиздаги маълумотлардан қайсылари бошқа фойдаланувчиларга кўриниб туришини созлаш имкони бор.

Бунинг учун "Настройки" > "Учётная запись" > "Конфиденциальность" бўлимига кирасиз: қачон онлайн бўлганингизни, профилингиздаги суратни, аккаунт ҳақидаги маълумотларни, тармоқдаги ҳолатингизни кимлар кўриши мумкинлигини шу ерда белгилaysиз.

**3. Гуруҳли чатларга сизни кимлар кўриши мумкинлигини ўзингиз белгиланг.**

Сизни ҳам танишларингиз WhatsAppда турли гуруҳларга қўшиб қўявериб безор қилишадими? Мазкур сервис яқинда бунни чеклаш имконини тақдим этган. Бу созуламалар эса "Настройки" > "Учётная запись" > "Конфиденци-

альность" > "Группы" бўлимида жойлашган.

Шу ерда сизни гуруҳларга кимлар қўша олишини белгилаб қўясиз: иккинчи бандни белгиласангиз, оммавий чатларга сизни фақат контактларингиз рўйхатида мавжуд бўлганлар қўша олади. Учинчи бандда эса, сизни гуруҳларга кимлар қўша олмастлигини ҳам белгилаб қўйишингиз мумкин. Таъкидлаш керакки, бунда аввалгидек сизга гуруҳлар маъмурларидан таклифлар келаверади, аммо уларга энди сизни автоматик тарзда қўшиб қўя олишмайди.

**4. Бармоқ изи ёки Face ID орқали қўлфлашни фаоллаштиринг.**

Банк иловаларида бўлгани каби, WhatsApp клиентда ҳам иловага iPhoneларда Face ID/Touch ID орқали, дактилоскопли Android-смартфонларда эса бармоқ изи датчиги орқали киришни тайинлаб қўйса бўлди.

Бу ерда илова бир зумдаёқ қўлфлашни қолмаслиги учун блокуровка таймерини белгилаш опцияси ҳам мавжуд. Бунинг учун "Настройки" > "Учётная запись" > "Конфиденциальность" > "Блокировка экрана" бўлимига кирасиз.

**5. Иловани мунтазам янгилаб боринг.**

Максимал хавфсизликни таъминлаш учун WhatsAppнинг янгилашилари доим текшириб, ўрнатиб боришингиз лозим. Зеро, сервис дастурчилари ҳар галги андейларда унинг хавфсизлигини ҳам мустаҳкамлаб боришади. Энг қўлайи — автоматик янгилашни ёқиб қўйиш.

Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, кейинги пайтларда WhatsApp мессенжери обрўсини туширадиган хабарлар кўпайиб қолган. Унинг хавфидан ҳатто БМТ раҳбарияти ҳам огоҳлантирган!

**Олимлар: Паркинсон касаллиги туғма бўлиши мумкин**

Cedars-Sinai тиббиёт марказининг Регенератив тиббиёт институти олимлари эрта Паркинсон касаллиги туғма бўлиши мумкинлигини таъкидлашмоқда. Уларнинг айтишича, эллик йил олдин Паркинсон касаллиги ривожланган одамлар аслида ўн йиллар давомида аниқланмаган зарарланган мия ҳужайралари билан туғилган бўлиши мумкин.

Бу нейродегенератив хасталиги одатда катта ёшли одамларда кузатилади ва аломатлари аста-секин намоён бўлиб боради. Паркинсонизмда миянинг дофамин ишлаб чиқарувчи нейронлари зарарланади ва ҳалок бўлади. Дофамин, шунингдек, касалликнинг кенг тарқалган аломатлари: ҳаракатсизлик, мушакларнинг қотиши, титраш ва мувозанатни йўқотишни белгилайдиган мушак ҳаракатларини мувофиқлаштириш қобилиятини аниқлайди. Кўп ҳолларда нейрон етишмовчилигининг аниқ сабаби номаълум ва илдииз сабаби учун етарли даволаш усули йўқ — фақат симптомларни бартараф этиш мумкин.



Аксарият беморлар тахшис вақтида 60 ёш ёки ундан катта, тахминан 10 фоиз беморлар ёшроқ бўлади: 21дан 50 ёшгача.

Тадқиқотчилар жамоаси Паркинсон касаллиги билан оғриган ёш беморлар тўқималаридан йўналтирилган плюрипотентли илдииз ҳужайралари (ИПИХ) деб номланувчи махсус илдииз ҳужайраларини ўстиришга муваффақ бўлди.

ИПИХ катталар ҳужайраларидан тўлиқ бўлмаган табақалаштирилган ҳужайраларни яратишга имкон беради. Бу жараёндан сўнг инсон танаси беморнинг ўз ҳужайралари учун генетик жиҳатдан бир хил ҳужайранинг ҳар қандай турини ишлаб чиқариши мумкин. Жамоа ИПИХни ҳар бир беморда дофамин нейронларини ишлаб чиқариш учун ишлатган, кейин уларни синнов найчасида ўстиришган ва нейронлар функциясини тахлил қилишган.

"Методикамиз дофамин нейронларини бемор ҳаётининг бошидан қандай фаолият олиб борганини яхшироқ кўришимиз учун бизга "ўтмиш ойнаси"ни ҳаёда қилди", — изоҳлайди тадқиқотнинг бош муаллифи доктор Клаив Свендсен.

Шундай қилиб, тадқиқотчилар дофамин нейронларнинг икки асосий аномалиясини аниқладилар: Паркинсон касаллигининг аксарият шаклларида учрайдиган алфа-синуклеин оқсилни тўпланиши ва лизосомалар бузилиши — ҳужайраларга ортиқча оқсиллардан қутулиши учун "чиқинди қутилари" сифатида ҳаракатланувчи ҳужайра тўзилмалари.

Кўриниб турибдики, биринчиси иккинчисининг бевосита оқибатидир. "Ушбу янги моделдан фойдаланиш жараёнида биз кўрган нарса Паркинсон касаллигининг биринчи белгиларидир. Бу одамларда дофамин нейронлар Паркинсон белгиларини қақирувчи алфа-синуклеинлар (асаб тўқимаси ва айрим турдаги ўсимталарда аниқланган оқсиллар гуруҳи)ни нотўғри ишлаб чиқаришни 20 ёки 30 йил мобайнида давом эттириши мумкин", — тушунтиради Свендсен.

Олимлар саратонли тери ҳолатини даволаш учун аллақачон тасдиқланган ва амалда бўлган PEP005 моддаси in vitro дофамин нейронларда ҳам, лаборатория сичқонларида ҳам алфа-синуклеин даражасини камайтиришини аниқлашди.

Олиб борилган тадқиқотлар беморлар клиник босқичида татбиқ этиш учун дориларнинг самарали воситаларини яратишга хизмат қилиши керак. Ҳозирча гап Паркинсон касаллигини даволаш ёки ёш беморларда унинг олдини олиш ҳақида бормоқда. Лекин келажакда олимлар ўз топилмаларини касалликнинг бошқа шакллари учун ҳам сынаб кўришмоқчи.

У.ЙЎЛДОШЕВ тайёрлади

<p><b>Xabar</b></p> <p>МУАССИС:</p> <p>ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРНИ РИВОЖЛАТИРИШ ВАЗИРЛИГИ</p> <p>Бош муҳаррир Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ</p>	<p><b>ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:</b> Шухрат СОДИҚОВ (Ҳайъат раиси), Назиржон ҲАСАНОВ, Коммуна ИРИСБЕКОВА, Тўлқин ТЕШАБОВЕВ, Лутфилло ТУРСУНОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Усмоғжон ЙЎЛДОШЕВ (масъул котиб).</p>		<p><b>МАНЗИЛИМИЗ:</b></p> <p>100000, Тошкент шаҳри, Амир Темури 1-тор кўчаси, 2-уй (мўжиза: Олой болори). Телефонлар: 71-234-18-59, 71-234-18-31, факс: 71-234-17-91. E-mail: info@xabar.uz</p> <p>Обуна индекси — 228.</p>
	<p>Тахририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди. Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқланиши мумкин. Нашримиздан кўчириб босилганда "Xabar"дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.</p> <p>Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади. Баҳоəsi келишилган нарҳда.</p>		<p>Газета тахририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. Дизайнер: Аслиддин БҮРИЕВ. Навбатчи: Собит АҲАДОВ.</p>
<p>Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0016 рақами билан 2013 йил 23 июлда рўйхатга олинган.</p>	<p>Газета ҳафтанинг жума кунини чикади</p>	<p>"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Манзил: Тошкент шаҳри, "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.</p>	<p>G-357 сонли буюртма. Офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табак, Адади: 4815 нусха.</p>
<p>Вилоят муҳбирлари: Андижонда Бухорода Жиззахда Наманганда Навоийда Нукусда Самарқандда Термизда Тошкентда Урганча Фарғонада Қаршида 226-47-80 (99)854-7305 (94) 199-95-64 (91) 353-71-25 225-91-10 554-35-45 (91)557-84-44 (91)235-88-68 234-18-59 (97) 211-65-05 244-18-05 (93)931-08-99</p>		<p><b>ISSN 2010-6424</b></p> <p>Босишга топширилди — 23.00. Босишга топширилиш вақти — 24.00.</p>	